



---

**ЎЗБЕКИСТОН: ДИНЛАРАРО  
ҲАМЖИҲАТЛИК – ТИНЧЛИК  
ГАРОВИ**

---

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТИНЧЛИК ТАЪЛИМИ ВА МАДАНИЯТЛАРАРО  
ҲАМЖИҲАТЛИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН:  
ДИНЛАРАРО ҲАМЖИҲАТЛИК  
ТИНЧЛИК ГАРОВИ**

**Тошкент - 2005**

**UNIVERSITY OF WORLD ECONOMY AND DIPLOMACY**

**CENTER FOR PEACE EDUCATION**

**AND INTERCULTURAL UNDERSTANDING**

# **INTERRELIGIOUS DIALOGUE IN UZBEKISTAN**

**Edited by Prof. Sh.Sirojiddinov**

***Training manual***

**Publication was implemented under the UNESCO  
Participation Programme Request  
№ 27216103 UZB**

**Tashkent - 2005**

*Ушбу нашр ЮНЕСКО қатнашув дастури  
доирасида чоп этилган*

**Муаллифлар:**

*т.ф.д., профессор А.Ҳасанов  
с.ф.д., профессор З.Мунавваров  
т.ф.н., доцент Ш.Миноваров  
ф.ф.д., профессор Ш.Сирожиддинов*

**Нашрга тайёрловчи: ф.ф.д., проф. Ш.Сирожиддинов**

*Рисолада ўзбек халқига хос бағрикенгликнинг тарихий  
илдизлари, муқаддас ислом динини ғаразли мақсадларда сиё-  
сийлаштириб, ундан ҳокимият учун кураш, мафкуравий қурол  
сифатида фойдаланиш сингари салбий ҳолатларнинг кучайиб  
бориш сабаблари ва Ўзбекистонда диний бағрикенглик сиёсати-  
нинг кўринишлари ҳақида атрофлича баён этилган.*

© Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2005.

## Мундарижа

1. Кириш ..... 5
2. Ўзбекистонда диний бағрикенгликнинг тарихий илдишлари.....8
3. Ўзбекистон Республикасида дунёвийлик билан динийлик ўртасидаги янги нисбатнинг шаклланиши .....13
4. Давлат ва дин. Ўзбекистонда давлатнинг дин ва диний ташкилотлар билан муносабати.....25
5. Ўзбекистонда виждон эркинлиги.....28
6. Диний бағрикенглик - динлараро муносабатларнинг тараққиётини белгиловчи асосий омил.....30
7. Диний экстремизм ва фундаментализм - жамият барқарорлигига таҳдид.....33

## Кириш

Инсоният тарихига ХХI аср маданиятлараро мулоқот даври сифатида кириши шубҳасиз. Чунки, илмий-фалсафий ва руҳий-маънавий тараққиёт йўллари кесишган бугунги даврда, мафкураларнинг пешқадамлик учун рақобатга киришиши инсоният тақдири учун ҳаёт-мамот муаммоси бўлган тинчлик масаласини жиддий хавф остига қўйди. Шунинг учун ҳам глобаллашув даврида жаҳон ҳамжамиятининг асосий диққат-эътибори цивилизациялар мулоқотини тарғиб этишга қаратилмоқда.

Албатта, ягона умуминсоний маданият, умуминсоний маънавиятни яратишнинг имконияти йўқ. Жаҳон маданияти турли миллат ва элатларнинг ўзига хос маданиятлари мажмуидан иборат. Шундай бўлса-да, уларнинг ҳар бирида умумий қадриятлар мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Хусусан, эзгулик барча халқларга хос қадриятларнинг гултожисидир. Шундай бўлиши табиий. Чунки, одамзот азалдан яратувчи, ижодкордир. Айрим бузғунчи ғоялар ҳукмронлик қилган даврлар тарих силсиласида арзимас даврни ташкил этади. Одамлар ҳар бири бетакрор қиёфа, феъл-атвор, фикр-андиша, ҳаёт тарзи ва алоҳида қобилиятга эга бўлса ҳам, одамзот учун азалий бўлган эзгулик аталмиш бебаҳо неъматдан бирдек баҳраманд.

Эзгулик - тараққиётнинг асоси, ижодкорликка илҳом бағишлагувчи кучдир. Маданиятнинг буюк бўлиши, аввало, эзгу ғояларнинг жамиятда устувор бўлиши билан боғлиқ. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Парижда, ЮНЕСКО ижроия кенгашида сўзлаган нутқида: «Ватанимиз асрлар мобайнида жаҳон цивилизациясининг бешикларидан бири ҳисобланган»лигини ўзгача ғурур билан айтганлигида чуқур асос бор.

Ўрта Осиё ўзининг кўп минг йиллик тарихи давомида жаҳон илм-фанига беқиёс ҳисса қўшган сон-саноқсиз олиму уламо, фозилу фузалоларни етиштириб берди. Бу ўлкада шаклланган ва тараққий топган маданият ўзининг ҳайбати билан ҳануз дунё жамоатчилигининг ҳайратини оширмоқда. Марказий Осиё халқларининг маънавий-руҳий дунёси ўзининг юксак гуманизми ва бағрикенглиги билан бутун дунёга ўрнатилган бўлишга арзийди.

Юртимизда 70 йил ҳукм сурган сооқ тоғалитар тузум маккорлик билан ўз асоратига олган халқимизнинг буюк ўтмишини авлодлар хотирасидан ўчириб ташламай, манфур мақсадига ета олмаслигини яхши билар эди. Шу сабабли тинимсиз равишда халқимиз маънавий мероси билан, уни авлоддан-авлодга олиб ўтиб келаётган маърифатпарварларимиз, диний уламоларимиз билан кураш олиб бордилар. «Дин-афюн» деб диний уламоларни қирдилар, исломга қарши ғоявий кураш эълон қилдилар, «қонхўр босқинчилар» дея буюк саркардаларимиз, миллатимиз, миллий давлатчилигимиз равнақи учун улкан ишлар қилган бунёдкор ҳукмдорларимиз номларини бадном қилдилар, маънавий меросимизни қоғозга туширган буюк шоирларимиз - маддоҳ, тақлидчи шоирлар деб, улуғ алломаларимизни дунёқараши чекланган олимлар сифатида камситдилар. Мусулмонлар мутаассиб, ёвуз ва қонхўр халқ сифатида тасвирланди ва талқин этилди.

Президент И.Каримов 1994 йилда Республика Олий Кенгаши XVI сессиясида сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Ўйлаб кўринглар, азиз дўстлар, ўшанда бизлар ким эдик? Ўша йиллар умуман қандай давр эди? Тақдиримиз, эркимиз кимларнинг қўлида эди?! Каъба деб қаерга сиғинар эдик? Миллий ғуруримиз, шаънимиз, урф-одатларимиз қандай тушунчаларга алмаштирилган эди? Ўзбекистонни дунёда биров билармиди? Куни кеча эмасмиди бошимизни кўтармасдан яшаганимиз? Кремлнинг ҳар бир имосига маҳтал бўлиб, ярим қуллик ҳолатида кун кечирганимиз? Биз у кунларни унутишга асло ҳаққимиз йўқ. Буни ҳаммамиз яхши англаб етишимиз зарур!».

Ҳақиқатан ҳам, унутишга ҳаққимиз йўқ!

Афсуски, даҳрийлик сиёсати, шхтисодий қарамлик, маънавий мутелик, ҳурфикрлиликка қарши қатагон халқимизнинг онгига, тафаккурига, хулқ-атвори ва кундалик ҳаёт тарзига ҳалокатли таъсир қилган эди. Шунинг учун ҳам Президентимиз мустақилликнинг дастлабки даврлариданоқ халқни миллий-маънавий уйғонишга чақирди. тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилишини, давлат тузумини, жамият ҳаётини демократлаштириш баробарида маънавиятга алоҳида эътибор ажратилиш зарурлигини қайта-қайта таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган миллий-маънавий тикланиш концепциясида мамлакатни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизларидан бири сифатида умуминсоний қадриятларга содиқлиқ ва диний бағрикенглик биринчи ўринга қўйилди. “Ўзбек халқининг юксак миллий қадр-қиммати, ор-номуси ва шон-шарафининг ўта меҳрибонлиги ва соф виждонлилигига асослангандир”, - деган эди Президент. - “Биз бундан кейин ҳам ўзбекларнинг миллий ғурурини маънавий юксалтирамиз, шу билан бирга, умумий ватанимизда биз билан бирга яшовчи ва Ўзбекистон Республикасига садоқатли бўлган бошқа халқлар билан биродарликка интиламиз”<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ўзбек халқининг азалий фазилати бўлмиш бағрикенглик тамойили мамлакатимизда тинчлик, тотувлик, барқарорликнинг гарови бўлмоқда. Ушбу рисолада ўзбек халқига хос диний бағрикенгликнинг тарихий илдизлари, Ўзбекистоннинг дунёвий тараққиёт йўлидан бориш анъаналари ва бу йўлдаги тўсиқларга қарши собитқадамлик билан олиб бораётган сиёсати ҳақида сўз юритилади.

---

<sup>1</sup> Каримов И. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, Ўзбекистон, 1992 йил, 77-бет.

## Ўзбекистонда диний бағрикенгликнинг тарихий илдиэлари

Маълумки, қадимги замонда халқлар ва элатлар ўртасида умуман диний адоват бўлмаган. Қадимги дунёда яшаган аҳоли ўз маҳаллий бош худоси ва коинот ҳамда табиат кучларини ифодаловчи жуда кўп бошқа худоларга сиғинган. Бу худолар бир-бирига айнан ўхшаш бўлса-да, аммо ҳар бир халқнинг тилида турли исмлар билан номланган. Қадимги замоннинг охирида инсон руҳининг улкан ютуғи ва дунёқарашининг ҳақиқий инқилоби сифатида яҳудийликнинг сўнгги босқичи, христианлик, сўнг зардуштийлик ва ислом каби этик (юксак ахлоққа асосланган) динлар пайдо бўлди. Аммо улар айни вақтда бежиз догматик (ақидавий) динлар деб аталмаганки, халқлар ўртасида ўзаро диний келишмовчилик ва рақобатни юзага келтирди. Мазкур динларнинг ҳар бири фақат бир худо (яъни фақат шу динга хос худо) бор, бошқаларнинг худоси бут-санамдан бўлак нарса эмас, деб ҳисоблай бошладилар. Ҳатто бир дин вакиллари орасида ҳам «ҳақиқий-ноҳақиқий»га ажратиш юз берди. Хуллас, деярли 2 минг йилдан бери ер юзида «ҳақиқий эътиқод» йўлида қонли можаролар давом этиб келмоқда. Бахтли тасодиф туфайли Ўзбекистон тарихи бу «умумий қоида»дан мустасно тарзда кечди дейиш мумкин, яъни бизда диний асосда бирорта уруш содир бўлгани йўқ.

Юртимиздаги диний бағрикенгликнинг қачон шаклланганлигини билиш учун тарихга назар соламиз. Бу юртга ислом дини кириб келмасдан олдин ҳам зардуштийлик, яҳудийлик, насронийлик, шаманизм, буддавийлик каби бир неча динлар мавжуд бўлган ва улар ўзаро ҳамжиҳатликда ҳаёт кечирганлар. Буддавийликнинг Махаяна йўналиши айнан бизнинг заминимизда туғилган ва Хитой, Япония каби бир қатор давлатларга тарқалган.

Насронийлик ҳам ватанимизда кенг тарқалган. Уларнинг Самарқандда бир қанча ибодатхоналари бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Муқаддас самовий дин сифатида унга кўплаб кишилар эътиқод қилганлар.

Бу юртга ислом дини кириб келишидан бироз олдин, туркий қабилалар орасида Тангри, яъни яксахудолик ғояси пишиб етилиб қолган эди. Бу туркий ҳоқонлардан 552-576 йилларда ҳукмронлик қилган Цетамий ҳоқоннинг подшолик йилларига тўғри келади. Шунинг учун VII аср охири ва VIII аср бошларида кириб келган ислом динини қабул қилиш анча

осон кечган. Чунки халқ яккахудолик ғоясини қабул қилишга деярли тайёр эди.

Ислом дини ўзининг халқчиллиги, адолатпарварлиги билан бир қаторда, бошқа динларга ҳурмат билан қараган. Қуръонда “Ла икроҳа фиддин”, яъни динда мажбурлаш йўқ, дейилганининг ўзиёқ исломнинг бағрикенгликни тарғиб этишига далолатдир.

Ислом динининг яна бир бағрикенглик томони шундаки, унда миллати ва ирқига қараб муомала қилиш ашаддий қораланади. Пайғамбаримиз шундай деганлар: «Агар уч киши бўлиб сафарга чиқсанглар ҳам, ичинглардан бир кишини бошлиқ қилиб сайланглар, агар ўша бошлиқ қора ҳабаш бўлса ҳам унга итоат қилинглар». Демак, ҳадиснинг мазмунига кўра, мусулмон киши ҳаргиз одам ажратмаслиги, ҳаммага бир кўз билан қараши лозим. Пайғамбаримиз мусулмонларга қарата: “Барчаларингизнинг оталарингиз ва яратган Парвардигорингиз битта, сизлар Одам алайҳиссаломдан тарқалган инсонларсизлар”- деган мурожаати ва насиҳати яна бир карра мусулмон кишининг фазилати бағрикенглик эканлигини англатади. Бу қуйидаги мисолда ҳам кўринади.

Бир куни пайғамбаримиз саҳобалар билан суҳбатлашиб ўтирганларида олдиларидан бир жаноза ўтиб қолади. Шунда у киши майитнинг ҳурмати учун ўринларидан турадилар. Саҳобалар: «Ё расулуллоҳ, ўтираверинг, бу бир яҳудийнинг жанозаси», - дедилар. Пайғамбаримиз: «Ким бўлишидан қатъи назар, аввало, у – инсон ва Аллоҳнинг бандасидир», - деган эканлар.

Бизнинг, Ўзбекистон аталмиш муқаддас заминимизда азалдан мавжуд бағрикенглик ислом дини кириб келгандан сўнг янада кенг тарғиб этилган. Асрлар давомида йирик шаҳарларимизда масжид, черков ва синагогаларнинг мавжуд бўлиши, турли миллат ва динга мансуб қавмларнинг ўз диний амалларини эркин адо этиб келаётгани бунинг тасдиғидир. Тарихимизнинг энг мураккаб, оғир даврларида ҳам улар ўртасида диний асосда можаролар бўлмагани халқимизнинг динлараро бағрикенглик борасида катта тажриба тўплаганидан далолат беради.

VIII аср бошида Мовароуннаҳрга ислом динининг кириб келиши ҳамда янги монотеистик дин ва маҳаллий динларнинг бир-бирига ўзаро сингиши натижасида Ўрта Осиё халқлари ижтимоий онгида ажиб ўзгариш юз берди: улар Аллоҳни қабул қилганлари ҳолда худди шу маънода Тангри атамасини ишлатишда давом этавердилар. Умуммусулмон давлатида қайсидир одатлар исломий ва ғайриисломий экан-

лиги ҳақида баҳслар ва ихтилофлар авжига чиққан бир пайтда Мовароуннаҳрда диний бағрикентлик асосий мезон ролини ўйнади.

IX асрдан бошлаб ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ислом дини сунна йўналишининг ҳанафий (Имом Аъзам) мазҳаби қарор топди. Бу ҳам бежиз бўлмаса керак, зеро Имом Аъзам мазҳаби ўзга динлар ва маҳаллий урф-одатларга нисбатан эркинлик бериш билан бошқа мазҳаблардан ажралиб туради. Ҳанафийлик таълимотини такомилга етказган ватандошларимиз Имом Мотуридий ва Бурҳониддин Марғиноний каби алломалар мусулмонлар орасидаги ғоявий тарафкашликка барҳам бериш, ислом динининг сунна йўналиши ва алаҳқус «аҳли сунна вал жамоа» йўли барқарор бўлиб қолишига катта ҳисса қўшдилар. Нафақат буюк алломалар, балки Ўрта Осиё ҳукмдорлари ҳам бу йўлда курашдилар. Масалан, X аср ўрталарида мусулмон дунёсида шиа йўналиши (Шимолӣ Африка, Миср, Сурия, Ҳижозда - фотимийлар, Яманда - зайдийлар ва ҳатто аббосийлар пойтахти Бағдодда - бувайҳийлар) устунликка эришган бир пайтда марказий осиелик тоҳирӣ, сомонӣ, ғазнавӣ ва қорахонӣ ҳокимлар «аҳли сунна вал жамоа»ни қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар.

XIII-XIV асрларда мўғулларга қарши озодлик кураши жараёнида минтақа аҳолисининг диний тафаккурида яна бир муҳим ўзгариш юз бердики, бунинг натижасида ясавия, кубровия, нақшбандия каби суфийлик тариқатлари шаклланди. Ўрта Осиё суфийлари ислом динининг илғор вакиллари сифатида обрў-эътибор топдилар. Бошқача айтганда, бу даврда ислом тасаввуф шаклида Ўрта Осиё учун маънавий ва ғоявий бирлаштирувчи куч ролини ўйнади. Суфийлар сарбадорлар ҳаракатида фаол қатнашгани бежиз эмас эди. Буюк Амир Темур айнан мана шундай маънавий муҳитнинг вакили сифатида тарих саҳнасига кирди.

Ўз даврининг рамзи бўлган Амир Темур эътиқод ва маънавиятнинг катта аҳамиятини тўғри идрок этган. Шарофиддин Али Яздӣ Амир Темурни ҳақли равишда эътиқоди комил инсон сифатида таърифлайди. Унг муҳими, Амир Темур «аҳли сунна вал жамоа»га доим содиқ, диний ақидапарастликка қатъий қарши бўлган. Қисқаси, у ислом динини мутаассибликдан холи, эркин тушунган, унинг комил эътиқодига бошқа динларни рад этми ёт эди ва шу жиҳатдан ҳам, у нафақат ўз асри, балки ҳозирги замон киниси учун ҳам намунадир.

Умуман олганда, Ўзбекистонда совет ҳукми ўрнатилгунга қадар ислом дини жамиятнинг маънавий эгачи вазифаси-

ни бажариб келди. Қутурган марксистик атеизмдан энг кўн  
жафо чеккан халқ Ўзбекистонликлар бўлди, десак, муболага  
оулмас. XX асрнинг 30-йилларида республикада «Худосиз-  
лар» номи билан ўзбек тилида журнал нашр этилди, минглаб  
диний китоблар ёқиб ёки кўмиб ташланди, юзлаб масжид,  
мадрасалар омборхоналарга айлантирилди ва ташландиқ ҳолга  
келтирилди, араб тили ва ислом тарихининг билимдонлари  
қувгин остига олинди. Бундан атиги 15 йил бурун диний бай-  
рамлар ва маросимлар таъқиқлангани, ҳатто севимли халқ  
байрами «Наврўз»га ҳам диний тамга урилиб, маън қилинган  
ни мазкур тузумнинг асл қиёфасини кўрсатади.

Аммо манфур тузум ўз мақсадига ета олмади. Бошқача  
бўлиши мумкин ҳам эмасди. Чунки собиқ «қизил империя»  
таркибига мажбуран киритилган Ўзбекистон фуқароларининг  
аксариятида «совет кишиси»дан ташқари яна бир «наrsa»  
бор эди. Бу «наrsa» - этник, тил ва ирқий мансубликдан  
қатъи назар, мусулмончилик эди. Жаҳондаги барча мусул-  
монлар ҳеч бўлмаганда икки маданий муҳитда яшайдилар.  
Бири - она Ватаннинг этник таркиби билан боғлиқ маҳаллий  
маданияти, иккинчиси - исломга киргач, шаклланган му-  
сулмон маданияти. Узоқ тарихга эга бўлган мусулмон жамо-  
аларида мазкур иккала муҳит бир-бирлари билан чамбарчас  
боғланиб кетган.

Мустақиллик туфайли ўзлигимизни англаш, маънавий  
қадриятларимизни тиклаш жараёни кечаётган ҳозирги пайтда  
умуман динга ва айниқса ота-боболаримиз дини бўлиб кел-  
ган исломга муносабат тубдан ўзгарди. Бу соҳадаги ютуқ-  
ларни санаб ўтишга ҳожат йўқ деб ўйлаймиз. Уларни кўрмас-  
лик мумкин эмас, кўролмаслик мумкин дир, балки. Сиёсий  
мустақилликка эришган барча ёш давлатларда юз бергани  
каби бизнинг мамлакатда ҳам халқ таълими йўналиш-  
ларининг ўзгариши, давлат тили, анъаналар, миллий мада-  
ниятга эътиборнинг ортиши объектив равишда диний омил  
аҳамиятининг юксалишига олиб келди. Шунингдек, жами-  
ятда сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, касаба уюш-  
маларининг савияси етарли даражада эмаслиги ҳам диний  
омилга қайсидир маънода уларнинг ўрнини қоплашга, ну-  
фузли кучга айланишига имкон яратиб берди. Булар - таби-  
ий, объектив жараёндир. Лекин мустақиллик йилларида  
кутилмаган воқеликларга ҳам дуч келинди. Бу - баъзи қўшни  
мамлакатларда сиёсий ва диний барқарорлик мавжуд бўлма-  
гани боис диний экстремистик гуруҳларнинг таҳдиди вужудга  
келганидир. Масаланинг мураккаблиги шундаки, диний эк-  
стремизм халқаро терроризм билан уюшиб кетди ва энди-

## Ўзбекистон Республикасида дунёвийлик билан динийлик ўртасидаги янги нисбатнинг шаклланиши

Ҳозирги кунда жаҳон бўйлаб том маънодаги диний (теократик) давлат йўқлиги ҳаммага аён. Ватиканни ҳисобга олмаса ҳам бўлади. Зеро у бор-йўғи минг кишини ўз ичига олган рамзий давлатдир. Аммо аксиомадек туюлган бу масаланинг тарихи жуда узоқ замонларга бориб тақалади. Башарият тарихида биринчи бор давлат бошқарувида динийликдан дунёвийликка ўтиш воқеаси бундан тахминан 45 аср муқаддам Шумерда юз берган, дейишга асос бор. Бу воқеа ҳақида И.М. Дьяконов шундай ёзганди: «Биз кузатаётган мугалларнинг энсиларга нисбатан кучайиши жараёни ўзининг куч-қудрати, секин-аста унинг қўл остига ўта бошлаган ибодатхоналар хўжалиги ҳамда шахсий ҳарбий гвардияга таянган ҳоким мартабасининг кучайиши билан боғлиқ бўлган»<sup>1</sup>.

Худди шундай жараён бундан 26 аср аввал Жанубий Арабистонда ҳам юз берганлиги ҳақида маълумот бор. Сабо жамятида ижтимоий пирамиданинг чўққисини руҳонийлар раҳбари - мукарриб эгаллаб турган. Шунинг учун ҳам ҳар бир янги мукарриб, албатта, янги ибодатхона қуриши ва эскисини таъмирлаши шарт эди. Манбаларда Карибаил Ватор (мил. ав. 620-610 йиллар) мукарриб ва (610-600 йиллар) малик титули билан келади. Э.Глазер топган Сирвоҳ ёзуви матнидан кўриниб турибдики, бу ерда Карибаил Ватор мукарриб лақабини жўнгина «малик» титулига алмаштирган эмас, балки Сабо давлатида мукаррибликдан (динийлик) подшоликка (дунёвийликка) айланиш жараёни юз берган. Санкт-Петербурглик олим А.Г. Лундиннинг фикрича, мукарриб ва малиси функциялари деярли тўла бир-бирига ўхшашдир<sup>2</sup>.

Илк ислом жамяти вужудга келаётган пайтда Муҳаммад пайғамбарнинг ваҳийдан сўнг Маккада олиб борган фамилияти шубҳасиз, соф диний тусда бўлган. Мусулмон историографияси ҳам буни тасдиқлайди ва диний ақидани мустаҳкамлаш учун ҳам шундай бўлиши керак эди, деб ҳисоблайди. Ибн Халдун уқтиришича, арабларнинг исломдан аввалги ижтимоий-сиёсий ҳаёти шуни тақозо қилганки, улар

<sup>1</sup> Дьяконов И.М. Общественный и государственный строй Древнего Востока. М., 1959. С.127.<sup>1</sup>

<sup>2</sup> Лундин А.Г. Государство мукаррибов Саба. М., 1971, С. 196.

ликда бу муаммонинг ечими муайян бир мамлакатнинг қўлида эмас, балки у умумбашарий миқёсда саноат-ҳаракатларни талаб қилади.

Ана шундай мураккаб вазиятда ҳам Ўзбекистон ҳукумати оқилона, диний бағрикенглик сиёсатини олиб бормоқда. Республикада ислом билан бир қаторда 15 диний конфессия эмин-эркин фаолият кўрсатмоқда. Фуқароларнинг миллати, irqи, динидан қатъи назар, барча учун тенг ҳуқуқлар қонун орқали кафолатланган. Буни диёримизга очиқ қалб билан келаётган ҳар бир меҳмон ўз кўзи билан кўрмоқда ва эътироф этмоқда.

2000 йил сентябрида Тошкент ислом университетида динларни қиёсий ўрганиш бўйича ЮНЕСКО кафедраси очилди. Ушбу кафедрага бизнинг жамиятимизда ҳамда жаҳон диншунослигида эҳтиёж жуда катта эди. Бемалол айтиш мумкинки, кафедранинг ташкил қилиш масаласи Президентимиз И.Каримов эътиборлари, аниқроғи, ташаббуслари билан ўртага ташланди. ЮНЕСКО раҳбарияти бу ташаббусни қўллаб-қувватлади. Фан, таълим ва маданият соҳасидаги энг нуфузли халқаро ташкилотнинг Бош директори Коичиро Мацуура жанобларининг шахсан ўзи келиб кафедранинг очиши фикримиз исботидир. Кафедра биринчи навбатда университетнинг ўқув жараёнида фаол қатнашмоқда. Янги-янги махсус курслар киритилди. Бундан ташқари, динларни қиёсий ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Тошкент ислом университети фақат ислом дини билан боғлиқ фанлар ичра чекланиб қолмайди. Дунёдаги барча динлар ҳатто қадимги ибтидоий динлар ҳам инсоният онги ва тафаккурида муайян из қолдирган. Биз уларни «йўқ бўлади» деб эмас, балки борлигича, объектив, бир-бири билан қиёс қилган ҳолда ўрганамиз.

XX аср башарият тарихига икки жаҳон уруши содир бўлган аср сифатида ёзилди. Бутун жаҳон афкор оммаси ХХI аср - тинчлик асри бўлмоғи учун курашмоқда. Бу йўлда диний бағрикенглик, динлараро мулоқот катта аҳамият касб этади. Анъанавий диний бағрикенглик ўлкаси сифатида маълум ва машҳур бўлган Ўзбекистон бу жабҳада ҳам ўз вазифасини шараф билан адо этмоқда.

## Ўзбекистон Республикасида дунёвийлик билан динийлик ўртасидаги янги нисбатнинг шаклланиши

Ҳозирги кунда жаҳон бўйлаб том маънодаги диний (теократик) давлат йўқлиги ҳаммага аён. Ватиканни ҳисобга олмаса ҳам бўлади. Зеро у бор-йўғи минг кишини ўз ичига олган рамзий давлатдир. Аммо аксиомадек туюлган бу масаланинг тарихи жуда узоқ замонларга бориб тақалади. Башариёт тарихида биринчи бор давлат бошқарувида динийликдан дунёвийликка ўтиш воқеаси бундан тахминан 45 аср муқаддам Шумерда юз берган, дейишга асос бор. Бу воқеа ҳақида И.М. Дьяконов шундай ёзганди: «Биз кузатаётган дугалларнинг энсиларга нисбатан кучайиши жараёни ўзининг куч-қудрати, секин-аста унинг қўл остига ўта бошлаган ибодатхоналар хўжалиги ҳамда шахсий ҳарбий гвардияга таянган ҳоким мартабасининг кучайиши билан боғлиқ бўлган»<sup>1</sup>.

Худди шундай жараён бундан 26 аср аввал Жанубий Арабистонда ҳам юз берганлиги ҳақида маълумот бор. Сабо жамиятида ижтимоий пирамиданинг чўққисини руҳонийлар раҳбари - мукарриб эгаллаб турган. Шунинг учун ҳам ҳар бир янги мукарриб, албатта, янги ибодатхона қуриши ва эсини таъмирлаши шарт эди. Манбаларда Карибаил Ватор (мил. ав. 620-610 йиллар) мукарриб ва (610-600 йиллар) малик титули билан келади. Э.Глазер топган Сирвоҳ ёзуви матнидан кўриниб турибдики, бу ерда Карибаил Ватор мукарриб лақабини жўнгина «малик» титулига алмаштирган эмас, балки Сабо давлатида мукаррибликдан (динийлик) подшоликка (дунёвийликка) айланиш жараёни юз берган. Санкт-Петербурглик олим А.Г. Лундиннинг фикрича, мукарриб ва малик функциялари деярли тўла бир-бирига ўхшашдир<sup>2</sup>.

Илк ислом жамияти вужудга келаётган пайтда Муҳаммад пайғамбарнинг ваҳийдан сўнг Маккада олиб борган фақияти шубҳасиз, соф диний тусда бўлган. Мусулмон историкографияси ҳам буни тасдиқлайди ва диний ақидани мустаҳкамлаш учун ҳам шундай бўлиши керак эди, деб ҳисоблайди. Ибн Халдун уқтиришича, арабларнинг исломдан аввалги ижтимоий-сиёсий ҳаёти шуни тақозо қилганки, улар

<sup>1</sup> Дьяконов И.М. Общественный и государственный строй Древнего Востока. М., 1959. С.127.<sup>1</sup>

<sup>2</sup> Лундин А.Г. Государство мукаррибов Саба. М., 1971, С. 196.

фақат диний сифатдаги (пайғамбарлик, валийлик, коҳинлик ва ҳакозо) ҳокимиятни тан олар эдилар<sup>1</sup>.

Мадинага ҳижрат қилингандан кейин пайғамбар фаолияти кўпроқ сиёсий ва хўжалик тусини олди. Шундай бўлсада, Мадинада барпо бўлган давлат ислом динига асосланган, теократик давлат эди.

Илк ислом жамиятининг асоси-шариат Пайғамбарга ноzil бўлган илоҳий ваҳий, яъни Қуръони карим ва пайғамбарнинг ҳукмларидан ташкил топди. Қуръонга кўра қонун чиқарувчи фақат - Аллоҳ, Пайғамбар эса уни баён этувчидир<sup>2</sup>.

Аллоҳ одамлар Пайғамбарга итоат қилишини буюрди, чунки Пайғамбарга итоат қилган Аллоҳга итоат қилган бўлади<sup>3</sup>.

Шуни таъкидлаш жоизки, иккинчи Ақбаба қасамёдидан сўнг Пайғамбар Ясриб аҳлининг жамоасига қўшилди. ҳозирги замон ибораси билан айтганда, бу Макка шаҳар-давлати фуқаролигидан чиқиб, Ясриб шаҳар-давлати фуқаролигига ўтиш деган сўз эди.

Макка шаҳрида дастлаб амалга оширилган тадбир - «ас-Саҳифа» деб номланган ҳужжатнинг қабул қилиниши бўлди. У, шак-шубҳасиз, Пайғамбарнинг ижоди бўлиб, баъзи тадқиқотчилар уни «Мадина конституцияси» деб атадилар. «Умма» тушунчаси Юнон ва Рим олами учун батамом янги эди. Христиан «индивидуализми» ҳукмрон бўлган бу оламдан фарқли ўлароқ, Мадинада «умма»нинг ташкил топиши мусулмон «универсиализм»ига қўйилган биринчи қадам бўлди. Албатта «ас-Саҳифада»ги умма диний тусга эга, Аллоҳ жамоаси, Пайғамбар эса Аллоҳ номидан бу жамоага раҳнамолик қилган. Шуни қатъий таъкидлаш жоизки, Макка-Мадина рақобати даврида Пайғамбар ҳеч қачон ҳужумкор мавқени эгалламаган. Бу нарса «сария»лар ва Бадр, Уҳуд, Хандақ жанглари ҳамда Макканинг 630 йили олинишида яққол намоён бўлди. Тўғри, 624 йили исломда биринчи бор жиҳодга, яъни «зулмга учраганлари учун (унга қарши) курашаётганлар»га<sup>4</sup> муайян ҳолларда душманга қарши кураш олиб боришга руҳсат берилди. Айни вақтда: «Сизларга қарши урушаётганлар билан Аллоҳ йўлида жанг қилингиз, (аммо) ўзингиз (ҳеч қачон биринчи бўлиб) тажовуз қилмангиз. Аллоҳ

<sup>1</sup> Ал-Каттон М. Таърих ат-ташриъ ал-ислами, Ар-Рияд, 1996, с. 30.

<sup>2</sup> Қуръон, 16:44.

<sup>3</sup> Қуръон, 4:80.

<sup>4</sup> Қуръон, 22:39.

тажовузкорларни ёқтирмайди»<sup>1</sup>, - деб огоҳлантирилди.

Янги дин асосчиси Муҳаммад пайгамбар ғайритабиий салоҳият ёки мўъжизакорликни даъво қилмаган оддий инсон эди. У ўздан кейин мукамал дин ва унга асосланган давлатни қолдирди.

Ислом динининг келажак муваффақияти ва тараққиёти учун асосий шарт - у давлат динига айланмоғи керак эди. 630-631 йилларда Арабистонда вужудга келган диний-сиёсий тузум, биринчи навбатда, Муҳаммад пайгамбар шахси билан боғлиқ бўлган, бошқача айтганда, бу теократик давлатнинг бошлиғи - расулulloҳ, яъни Аллоҳнинг элчиси ҳисобланган. Аммо у абадий эмаслиги Пайгамбарнинг ўзи томонидан қайта-қайта таъкидланиб келинган эди. Демак, диний илҳом билан вужудга келган бу давлатни келажакда бошқарадиганлар энди сиёсий усуллардан фойдаланишлари муқаррар ва бошқа чора йўқ эди.

Биринчи бўлиб бу ҳақиқатни Муҳаммад пайгамбар аниқлади. Унинг «Халифалик мендан кейин умматим ичида ўттиз йил, сўнгра амирлик (подшолик)дир»<sup>2</sup>, деган мазмундаги ҳадиси айнан шу фикрни исботлайди. Таниқли Миср тарихчиси Абд ал-Ваҳҳоб ан-Нажжорнинг фикрига кўра, бу жараён, яъни давлат бошқарув тизими диний қиёфасини йўқотиб, дунёвий тус олиши Пайгамбардан сўнг давлатни бошқарган 4 халифа (хулафо рошидун) давридаёқ бошланган эди<sup>3</sup>. Шуни таъкидлаш жоизки, халифа Умар (634-644) давридан бошлаб, давлат бошлиғи *амир ал муминин* - мўминлар амири (сардор) деб атала бошлади. 661 йил халифалик тахтига ўтирган Муовия ўзининг диний тарбиядан батамом йироқ, қимор ва айш-ишратга берилган ўғли Язидни валиаҳд деб эълон қилганида Макка ва Мадинадаги саҳобалар шақадар дарғазаб бўлганлари ҳам бунга мисол.

Ҳақиқатан ҳам рошид халифалар даври билан Умавийлар даври қиёс қилинса, жуда кўп фарқлар кўзга ташланади. Рошид халифалар халқнинг ичида аралашиб юрган, масъулларда улар билан бирга намоз ўқиган бўлсалар, умавий халифа ал-Валид ибн Абд ал-Малик (705-715) Мадинадаги

<sup>1</sup> Қуръон, 2:190.

<sup>2</sup> Ал-Имом ат-Термизий. Ас-Сунан. Ал-Имом Ахмад ибн Ханбал. Ал-Муснад (СД).

<sup>3</sup> Абдул-Ваҳҳоб ан-Нажжор. Ал-хулафо ар-рошидун. Ал-Кахира. Б. 169

Пайғамбар масжидини зиёрат қилгани борганда, у ердан барча халойиқ чиқариб юборилган. Қаҳри қаттиқлиги билан машҳур бўлган халифа Абд ал-Малик (685-705) замондошларига шундай деган экан: «Мендан Абу Бакр ва Умар каби хушмуомалаликни талаб қиласизлар, ўзингиз ўша даврдагидек яшай оласизларми?». Хуллас, Умавий халифалар том маънода подшоҳларга айлангандилар<sup>1</sup>.

Аллоҳ мусулмонлар устидан раҳбарликни меросли қилмаган, чунки Қуръонда бу ҳақда ҳеч қандай кўрсатма йўқ. Пайғамбардан эса бу масалада шундай ҳадис бор: «Бу Аллоҳнинг иши, кимни хоҳласа, шуни қўяди». Бемалол айтиш мумкинки, Пайғамбар келажакда ислом давлати - халифаликда, албатта динийликдан дунёвийликка ўтиш содир бўлишини аниқ билгани учун ҳам ўзидан сўнг бўладиган ҳукмдорни тайинлаб кетмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шундай хулоса қилиш мумкин: ислом теократик давлати тарихда бир марта тузилган ва у Муҳаммад пайғамбар номи билан бевосита боғлиқ. Айнан ўша вақтда пайғамбарнинг ҳадиси билан диний-исломий давлат - халифалик бошқа бўлмаслиги ҳақида қатъиян ҳукм чиқарилган. Тўғри, ўрта асрларда, ҳатто охириги пайтларда ҳам «Толибон» мисолида ислом динини ниқоб қилиб олиб, теократик давлат қуришга уринишлар бўлди. Ҳозир нафақат ислом, балки бошқа ҳар қандай динга асосланган теократик давлат тузиш самарасиз, яъни бефойда эканини XX аср машҳур тарихчиси А. Тойнби ўз асарида қуйидагича таъкидлайди: «Агар черков дунёвий ҳоқимиятни баргараф этишга уринса, у мағлуб бўлиши муқаррар, зеро бундай ҳоқимият йўқ бўлмайди, балки (вақтинча) черков тасарруфига ўтади. Ҳатто жангари черков бутун оламни енгиб, ердаги ижтимоий таркиботни ўз қолипига солишга интилган тақдирда ҳам, бу одамзод кутаётган комиллик бўла олмайди, чунки у (черков) замин муаммоларидан (бало-ю қазодан) замин воситалари орқали халос бўлишга қодир эмас!»<sup>2</sup>.

Динни давлатдан ажратиш концепцияси азалдан ҳурфикрлик ва дунёвий-рационалистик тафаккур ривожига асосланган. Аммо мусулмон Шарқи, шу жумладан, Марказий Осиё мамлакатларида яқин ўтмишга қадар у, ғарбда асрлар оша

---

<sup>1</sup> Муҳаммад ал-Хударий. Ад-Давла ал-умавия. Байрут, 1998. 398-399-бетлар.

<sup>2</sup> Тойнби А. Постигение истории. М., 1990, С. 516.

давом этгандек, алоҳида ишлаб чиқилмаган<sup>1</sup>. Шундай бўлса-да, айрим тадқиқотчилар ҳурфикрлик ушбу ғояси илк бор, ҳаёти динийлик ва спиритуализм билан тўлиб тошган ва дунёвий фалсафий дунёқарашга катта эҳтиёж сезган ўрта аср Европасига айнан мусулмон дунёсидан кириб борган, деб ҳисоблайдилар. Масалан, У.М. Уотт китобининг русча таржимасига А.В. Сагадеев томонидан ёзилган сўзбошида айтиб ўтилган. Кўп асрлардан буён Европа ижтимоий-сиёсий фанлари асосий йўналишларининг умумий кўринишида муҳим ўрин эгаллаб келаётган ушбу ҳаётий масала мусулмон Шарқи мамлакатлари учун иккинчи ва учинчи минг йилликлар туташган даврга келиб алоҳида аҳамият касб этди. XX асрнинг сўнгги чорагида жаҳонда содир бўлган глобал геосиёсий ўзгаришлар ва “янги дунёвий низом” деб аталувчи тизим шаклланишининг бошланиб кетгани мазкур масаланинг мусулмон дунёси мамлакатлари учун долзарблигини оширди ва илмий доираларнинг ушбу муаммога муносабатини тубдан ўзгартириб юборди: уни давр талаби руҳида энг катта изчиллик билан ишлаб чиқиладиган илмий вазифалар сафига олиб чиқди. Ушбу ҳақиқат заминида, бундан ташқари, геосиёсий ўзгаришлар келтириб чиқарган психологик оқибатлар ҳам ётадики, улар, жумладан, турли кучларнинг ўзига хос сиёсий, мафкуравий ва бошқа даъволарининг фоллашувида намоён бўлди.

Аmmo мусулмон олимларнинг илмий меросида динийлик билан дунёвийлик ўртасидаги мантиқий нисбатнинг шаклланиши масаласи бўйича махсус тадқиқотларнинг йўқлиги мусулмон Шарқи анъанавий жамияти ҳаётида бундай муаммонинг мутлақо бўлмаганлигини англатмайди.

Ҳақиқатда, ушбу масала анъанавий жамиятнинг ҳаётий фаолиятини ташкил қилиш жараёнида, масалан, Марказий Осиёда, доимо муҳим ўрин эгаллаб келган. Бошқача айтганда, амалда, ўрта асрларда Марказий Осиёдаги деярли барча давлатларда руҳонийлар ролини одоб-ахлоқ масалалари ва

---

<sup>1</sup>Шундай бўлса-да, айрим тадқиқотчилар ҳурфикрлик ғояси аввал-бошида, ҳаёти динийлик ва спиритуализм ғоялари билан тўлиб тошган ва дунёвий фалсафий дунёқарашга катта эҳтиёж сезган ўрта аср Европасига айнан мусулмон дунёсидан кириб борган, деб ҳисоблайдилар. Масалан, қуйидаги китобнинг русча таржимасига А.В. Сагадеев томонидан ёзилган сўзбошига қаранг: Уотт У.М. Влияние Ислама на средневековую Европу. М., 1976, С. 16. Шунингдек, мазкур тадқиқотнинг 13 50-бетларига қаранг.

маънавий-маърифий соҳа билан чеклашни ёқлаб чиқувчилар билан анъанавий жамият ҳаётини ташкил этишда диннинг кенг қамровли роли учун кураш олиб борган сиёсий кучлар ўртасида доимо кўз илгамас кураш давом этган<sup>1</sup>. Миштақа давлатлари ва, ҳатто, XIV аср учинчи чорагида Амир Темур (1336-1405) томонидан тузилган салтанат ҳаётигаги кўп воқеалар шундан далолат беради. Ўрта асрлардаги марказлашган давлатлардан бирининг асосчиси бўлган Амир Темур, айниқса, ўз сиёсий фаолиятининг илк даврида қабилавий зодагонлар ўртасида, масалан, ўша даврнинг бош диний марказларидан бири - Термизда катта нуфузга эга бўлган тасаввуф пешволари сиймосидаги руҳонийлар тазйиқини бошдан кечирган. Бу, тарихда Амир Темурнинг маънавий пири сифатида машҳур бўлган нуфузли шайх Саййид Бараканинг (в. 1403-04 й.) Соҳибқирон томонидан онгли равишда ўзига яқинлаштиришга, маълум даражада, туртки бўлган.

Манбаларда шундай қайдлар учрайдики, руҳонийларнинг энг нуфузли вакиллари Соҳибқирон қарорларининг устуворлигини сўзсиз тан олганлар ва у бошлаган ҳар бир ишга, шу жумладан, ҳарбий юришларга ҳам оқ фотиҳа берганлар<sup>2</sup>. Ушбу ҳақиқатни дунёвий ҳокимият билан уламолар (руҳонийлар) ўртасидаги кескинликни юмшатишга, ижтимоий-сиёсий ҳаётда дунёвий ва диний кучлар ўртасида мантиқий

<sup>1</sup> Қайд этиш лозимки, мусулмон дунёси, шу жумладан, Марказий Осиё сиёсий тарихининг ушбу жиҳати энг кам ўрганилган масалалардан бири бўлиб қолмоқда ва тадқиқотчилар учун долзарб вазифалардан биридир. Ушбу муҳим илмий вазифани бажариш йўлида илк қадамлар қўйилган. Ўзбек (масалан, қаранг: Бабаджанов Б.М. Политическая деятельность шейхов Накшбанди в Мавераннахре (первая половина XVI в.); автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Т., 1996) ва чет эллик олимларнинг (масалан, ушбу масала бўйича бой библиография билан таъминланган қуйидаги мақолага қаранг: Laoust H. La pensee politique d'Ibn Khaldun // Revue des etudes islamiques. XLVIII (1980), 135-153 б. тадқиқотларида ушбу масаланинг айрим жиҳатлари кўриб чиқилган. Унинг баъзи жиҳатларини ўрганишга рус шарқшунослари катта ҳисса қўшганлар (масалан, қуйидаги тўпламлар қаранг: Ислам. Религия, общество, государство. М., 1984; Духовенство и политическая жизнь на Ближнем Востоке в период феодализма. М., 1985; Ислам: проблемы идеологии, права, политики и экономики. М., 1985; Ислам и социальные структуры стран Ближнего и Среднего Востока. М., 1990 и др.). Лекин улар Марказий Осиёдаги динийлик ва дунёвийлик ўртасидаги нисбатнинг шаклланиш тажрибасини ўрганишга бағишланмаган, балки ушбу муаммонинг айрим жиҳатларини Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари мисолида кўриб чиқиш билан чекланган.

<sup>2</sup> Қаранг: Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т., 1996, 16 б.

мувозанатни ўрнатишга, шунга мос равишда ўзи тузган давлат қудратини мустақкамлашга кўмаклашган пухта ҳисоб-китобли тактик-стратегик қадамлардан бири сифатида баҳолаш мумкин.

Ўрта асрлар ва янги даврдаги Мовароуннаҳр тарихига муурожаат этсак, шу нарса аён бўладики, давлат тепасида турган сиёсий кучлар билан ҳарбий-қабилавий аъёнлар ва шаҳарлик зодагонлар тан олган эътиборли руҳонийлар ўртасида маъқул консенсусга эришилган даврларда мамлакатдаги умумий тараққиёт суръатлари ўсганини кўрамиз. Шунинг ҳам қайд этиш муҳимки, бундай даъволарда, шартли равишда айтганда, дунёвий ёки кундалик турмуш билан боғлиқ табиатга эга масалалар бўйича қарор қабул қилиш учун масъул бўлган дунёвий сиёсий кучлар устувор бўлган. Амир Темур бошқаруви даври бунинг энг ёрқин мисолларидан биридир. “Шартли равишда” ибораси бу ерда мазкур минтақа тарихининг ўша даври, қолаверса, кенг мусулмон дунёсининг қолган қисмлари учун ҳам, дунёвий ва диний-маънавий ҳокимият ўртасидаги аниқ чегараларни белгилаш ўта мураккаб бўлганига ишорадир.

Ушбу икки таркибий қисм ўртасидаги мувозанат бузилганда ва руҳонийларнинг сиёсий масалаларга таъсири кучайганда, баъзан ҳатто ҳукмдорларни жисмонан йўқ қилишгача олиб борадиган ижтимоий-сиёсий тартибсизликлар содир бўлган<sup>1</sup>. XV аср охири - XVI аср бошида минтақада юзага келган ижтимоий-сиёсий вазият шундан далолат беради. Бу даврда Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор (в. 1490 й.), Маҳдум-и Аъзам (в. 1542 й.), Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий (в. 1571 й.), Жуйбор хўжалари (XVI–XVII асрлар) каби нуфузли шахслар бошчилигидаги нақшбандийлик тариқатининг ижтимоий-сиёсий ҳаётга таъсири авж чўққисига кўтарилган эди. Марказий Осиё тарихининг ушбу даврида исломнинг мафкураси аста-секин, асосан, руҳонийлар томонидан аниқланадиган динга айланишидан келиб чиқадиган барча салбий оқибатлар ўзининг алоҳида кучини намоён этди. Бу исломдаги энг муҳим ҳукмларни талқин этишда субъективизмнинг кучайишига, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётда рўй берадиган ҳар қандай жиддий ўзга-

<sup>1</sup> Мовароуннаҳр ҳукмдори Мирзо Улуғбекнинг (1409-1449) унинг ватта ўгли Абдал-Латиф томонидан ўлдирилиши бундай мисоллардан бири бўлди (масалан, қаранг: Абу Тоҳирхожа. Самария. Т., 1991, 25 б. ушбу қатл ашаддийлик кайфиятидаги мусулмон руҳонийларнинг вақиллари томонидан уюштирилган, деб ҳисоблаш одат тусига кирган

ришларга ҳассослик билан жавоб берувчи нозик ижтимоий механизмга айланишига олиб келди. Мазкур даврда ҳукмдорларга давлат бошқарувининг турли масалалари бўйича тавсиялар беришга бағишланган махсус адабий-фалсафий жанрнинг гуркираб ривожланишига қараб ҳам бу ҳақда хулоса чиқариш мумкин.<sup>1</sup>

Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-сиёсий парчаланиши, ўз навбатида, минтақада ижтимоий-иқтисодий турғунликнинг сезиларли даражада чуқурлашувига сабаб бўлган жараённинг кучайиши мазкур ўлка тарихининг ушбу даврига хос хусусиятлардан бири бўлиб қолди. Албатта, ушбу воқеликни келтириб чиқарган асосий сабаблар бироз бошқачароқ омиллар билан боғлиқ бўлган ва келгинди кучларнинг, айниқса, Муҳаммад Шайбонийхон (1500-1510) бошчилигидаги кўчманчи ўзбек қабилаларининг, кейинчалик эса Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ Афшорнинг (1736-1747) Мовароуннаҳрга бостириб киришлари билан кўпроқ боғлиқ эди. Яна, XVIII аср охиридан то XIX аср бошигача Мовароуннаҳр, қолаверса, бутун Марказий Осиёда кузатилган сиёсий тарқоқлик жараёнларида асосий роль ўйнаган ташқи омил кучининг чандон ошганлиги, минтақани қўлга киритишга қаратилган русинглиз рақобати ва Чор Россиясининг ташқи сиёсатида ушбу ўлкага нисбатан ҳарбий-сиёсий экспансионизмнинг кескин кучайгани ҳам айни ҳақиқатдир. Аммо, шунга қарамай, тарихнинг мазкур даврида муайян кучлар ўз мақсадларига эришиш учун нуфузли шайхлар ва уламолардан фойдаланиб, кўпинча уларнинг давлат сиёсатига аралашувини сезиларли даражада фаоллаштиргани ҳам ўзаро ички низоларни чуқурлаштириб, салбий роль ўйнайди. Бу XVIII асрда Мовароуннаҳрнинг сиёсий нуқтаи назардан узил-кесил парчаланиб кетишига ва унинг ҳудудида учта майда давлат - Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларининг ташкил топишига олиб келди.

Аммо, умуман Марказий Осиё ҳудудида давлатчиликнинг шаклланиши ҳақида гапирадиган бўлсак, унда шу аён бўладики, динийлик ва дунёвийлик ўртасида Марказий Осиёга хос анъанавий ҳаётни бошқариш масалаларидаги ўзаро муносабатлар эволюциясининг устувор хусусияти дунёвийликка мойил сиёсий кучларнинг ўрни ва аҳамиятининг мунтазам мустаҳкамланиб боргани ҳамда диний идоралар таъ-

---

<sup>1</sup> Маҳдум-и Аъзам Косонийнинг «Танбиҳ ас-салотин» («ҳукмдорларга танбеҳлар») асарини ушбу жанрда ёзилган асарлардан бири деб ҳисоблаш мумкин.

сир фаолияти соҳасининг соф маънавий-ахлоқий табиатга эга масалаларгача торайиб боришидан иборат эканлигига амин бўламиз. Мовароуннаҳр тарихининг ўрта асрлар ва ундан кейинги даврларида бошқарувнинг теократик усулларига мойил давлатлар намунасининг йўқлиги ҳам бунинг яққол кўрсатади. Шундай қилиб, Марказий Осиё жамияти ҳаётини ташкил этишда диннинг, айнан эса – исломнинг мавқеини пасайтирмаган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, диннинг роли доимо муҳим бўлиб қолганига қарамай, у ҳеч қачон ҳукмрон бўлмаган.

Ўрта Осиёнинг Чор Россияси томонидан истило этилиши исломнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни ва ролининг жиддий ўзгаришига олиб келди. Унинг асосий мазмун-моҳияти исломни ижтимоий-сиёсий ҳаётдан имкон қадар сиқиб чиқаришдан иборат бўлди. Мустамлакачи ҳокимлар бунга, асосан, икки усул билан эришганлар: биринчидан, мусулмон руҳонийларни инкор этиш ва уларни ижтимоий ҳаётдан аста-секин сиқиб чиқариш, иккинчидан, уларнинг моддий-иқтисодий заминини емириш. Иккинчи мақсадга эришиш учун, жумладан, мусулмон муассасаларнинг вақф мулкини қисқартиришни кўзловчи аниқ мақсадларга йўналтирилган кенг қамровли тадбирлар ўтказилган. Лекин, аynи пайтда, мустамлакачилар мусулмон руҳонийлар билан бўлган муносабатларда ўта эҳтиёткорлик билан иш тутганлар, қандай қилиб бўлмасин, уларга ошкора қарши чиқишдан ўзларини тийганлар.

Шўролар даври чоризм давридан биров фарқланади. Жамият ҳаётида диннинг ҳар қандай ролини камайтиришга интилиш - унинг асосий хусусияти бўлиб қолди. Ушбу истак жангари атеистик усулларни ишлатиш, руҳонийлар ва диний муассасаларга қарши кенг кўламли ҳужумлар уюштириш, диннинг ижобий салоҳиятини бутунлай инкор этиш йўли билан амалга оширилди. Исламнинг тарбиявий салоҳиятидан фойдаланишга даъват этувчи туркистонлик жадидчиларнинг уринишлари ҳам рад этилди. Руҳонийлар ва диний муассасаларга тазйиқ ўтказиш узлуксиз ошиб борди: атеистик жамият қуриш билан боғлиқ хом хаёл тобора қатъийлик билан ҳаётий воқелик сифатида тақдим этила бошлади. Аммо, табиийки, бундай сиёсат асрлар оша шаклланган мусулмон жамияти ҳаётидан динни таг-томири билан узиб ташлашни таъминлай олмади: шунга қарамасдан, уламоларнинг мутлақ кўпчилиги жисмонан маҳв этилди ва мусулмон диний муассасаларнинг анчагина қисми вайрон қилинди. Лекин бундан ислом омили жамият ҳаётидан йўқолиб кет-

мади, балки унинг ўрни ўзгарди, холос, - у ниҳоятда ўзига хос шакл касб эта бошлади. Жумладан, диннинг яширин фаолият олиб боришга ўтиши бундай сиёсатнинг маҳсули бўлдики, натижада у ҳокимиятга қарши муҳолиф кучга айланди. Ушбу жараён иккинчи жаҳон уруши даврида муайян тарихий шароитлар таъйиқи остида шўролар ҳокимияти диний ҳаёт соҳасида баъзи енгилликлар беришга мажбур бўлганда, масалан, ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идораси (САДУМ, 1943-1992) тузилгандан кейин ҳам асло сусайгани йўқ. Бундан ташқари, радикал кайфиятдаги ва ўзини ҳокимиятга муҳолиф деб ҳисобловчи мусулмон руҳонийлар ҳаракати узлуксиз кучайиб борди. У ҳукмрон тузумнинг истиқболдаги барқарорлигига таҳдид солувчи хавфли сиёсий омилга айланди. Ғарб мамлакатларида «параллел ислом» номини олган ушбу ҳаракат радикал кайфиятдаги диний арбобларни етиштирган қулай замин бўлди. 1980-йилларнинг охиридан бошлаб, собиқ иттифоқнинг парчаланиш жараёни ортга қайтариб бўлмайдиган табиат касб этгани батамом равшан бўлди ва радикал кайфиятдаги баъзи арбоблар миллатнинг маънавий раҳнамолигига ошкора даъво қилиб чиқдилар. Исломда мумтоз иерархик тузилманинг йўқлиги муайян мақсадларга интилувчи фаол одамларнинг ташаббускор хатти-ҳаракатлари учун қулай шароитлар яратди. Марказий Осиёдаги мустақил давлатларнинг кейинги ўн йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, бу, жумладан, айрим кучларнинг диний тусдаги сиёсий партиялар ва ташкилотлар тузиш билан боғлиқ интилишларида ўз ифодасини топмоқда. Улар ўз таъсирини имкон қадар каттароқ ҳудудга ёйишга интилмоқдалар. Ўтиш даври учун хос бўлган ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар ва ушбу мамлакатлардаги демократик институтларнинг заифлиги бундай партиялар ва ташкилотлар томонидан тарғибот қилинаётган ғоялар таъсирини янада кучайтирмоқда.

Шундай қилиб, ўтган асрнинг 90-йиллари бошига келиб, диний ва дунёвий қадриятлар уйғунлигини тиклаш зарурати, ҳеч бир муболағасиз, мамлакат тақдирини ҳал қилувчи омиллардан бўлиб қолди. Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти олдида мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ ўзининг динга бўлган муносабатини аниқ-равшан ва принципиал тарзда белгилаб олиш зарурати турар эди. Давлатнинг динга нисбатан янги муносабати қандай бўлиши Президент И.Каримов томонидан ишончли далиллар билан асослаб берилди: «Дин, шу жумладан ислом дини ҳам минг йиллар давомида барқарор мавжуд бўлиб келганининг ўзиёқ

у инсон табиатида чуқур илдиз отганлигидан, унинг ўзига хос бўлган бир қанча вазифаларни адо этишидан далолат беради. Энг аввало, жамият, гуруҳ, алоҳида шахс маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олган, уларни жонлантирган, ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантирган. Маданиятга катта таъсир кўрсатган. Инсоннинг одамлар билан баҳамжиҳат яшашига кўмаклашган ва кўмаклашмоқда»<sup>1</sup>. Диний ва дунёвий қадриятлар ўртасидаги умуммиллий манфаатга мос янги нисбатни шакллантириш вазифаси Ўзбекистон халқининг ўз давлатчилигини янгидан қуришдаги миллий қадриятларни тиклаш жараёнининг моҳиятини ташкил этувчи бош элементлардан бирига айланди. Ушбу жараённинг кечиши ва моҳияти қатор объектив ва субъектив омилларнинг умумий таъсири билан аниқланади. Қуйида уларнинг асосийларини кўрсатиб ўтамиз:

1. Давлатнинг динга бўлган муносабатининг тубдан ўзгаргани натижасида маънавий ва ижтимоий ҳаётда диннинг табиий мақомини тиклаш. Масжидлар сонининг тез суръатлар билан ўсиши, диний ўқув юртларининг очилиши, мусулмонларнинг ҳаж ва умра сафарларига боришининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, илгари қатъий таъқиқ остида бўлган диний байрамларнинг расман эътироф этилиши ушбу жараённинг ташқи белгиларини ташкил этди.

2. Ашаддийлик кайфиятидаги диний арбоблар ва уларнинг ортида турган миллатчи кучларнинг мисли кўрилмаган даражадаги фаоллашуви. Улар фаолиятининг сиёсийлашуви исломий ва умуминсоний ниқобларга ўралган «Ислом лашкарлари», «Адолат», «Одамийлик ва инсонийлик» ҳамда бошқа жангари ташкилотлар шакллана бошлаган XX асрнинг 90-йилларнинг бошидаёқ намоён бўлди.

3. Турли чет эллик диний-мафкуравий марказлар фаолиятининг бутун Марказий Осиёга, айниқса Ўзбекистонга нисбатан сезиларли даражада фаоллашуви. Бу, жумладан «ҳизб ат-таҳрир ал-исломий»нинг мамлакатимизни ўз фаолияти доирасига жалб қилишга бўлган хатти-ҳаракатларида намоён бўлди. Бундай турдаги бошқа ташкилотларнинг яна кўпини санаб ўтиш мумкин. Уларнинг фаолияти ички сиёсий барқарорликни емиришга, жамиятда миллатлараро ва динлараро кескинликнинг вужудга келишига кўмаклашди.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., 1997, 34-35-бетлар.

Муайян кучларнинг аниқ мақсадга йўналтирилган кампанияси, гоҳида эса уларнинг террористик табиатга эга зўравонлик усулларига ўтиши таъсирида диний онгнинг радикаллашуви шароитида ҳуқуқий соҳада ҳам амалий чораларга кучли эҳтиёж сезилди. Улардан бири - 1991 йилнинг июнида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақидаги қонун»нинг қабул қилиниши бўлди. У, ҳақиқий виждон эркинлигини амалда таъминлаган Ўзбекистоннинг энг янги тарихидаги биринчи ҳуқуқий ҳужжат эди. Аммо, 1990-йилларнинг биринчи ярмида маънавий-диний ҳаётда содир бўлган воқеаларнинг ривожланиши, айниқса, диний шиорларга ўралган айрим кучлар сиёсийлашувининг кучайиши ушбу қонуннинг баъзи моддаларини давр талабларига мослаштириш заруратини келтириб чиқарди. Оқибатда, 1998 йилнинг май ойида ушбу қонуннинг диндан сиёсий мақсадларда фойдалангани ҳамда миллатлараро ва бошқа адоватни қўзғатгани учун жиноий ва маъмурий жавобгарлик чораларини белгиловчи янги таҳрири қабул қилинди.

Кўришиб турганидек, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш шароитида динийлик билан дунёвийлик ўртасидаги янги нисбатни шакллантириш ҳар доим ҳам силлиқ кечмаган. Бу йўлда мусулмон аҳоли диний онгини радикаллаштириш ва сиёсийлаштиришга қаратилган муайян кучларнинг фаолияти келтириб чиқарган қийинчиликлар пайдо бўлиб турди. Бундай ҳаракатларнинг аниқ кўринишларидан бири сифатида «ҳизб ат-таҳрир ал-исломий»нинг янги асрнинг боши - ўтган асрнинг сўнгги йиллардаги варақалар тарқатиш йўли билан йирик шаҳарлар, айниқса Тошкент аҳолиси ўртасида олиб борган фаол қўпоровчилик-тарғиботчилик ишини кўрсатиш жоиз.

Чет эллик манбалар томонидан ҳам маънавий, ҳам моддий қўллаб-қувватланган радикал кайфиятдаги диний гуруҳларнинг барча уринишларига қарамасдан, дунёвий ва диний қадриятлар ўртасидаги янги нисбатнинг тобора чуқурлашиб бораётган шаклланиш жараёнида Ўзбекистон Конституциясида белгилаб қўйилган давлатнинг ўз вазифалари, диннинг ўз вазифалари бор тамойили устуворлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Ушбу жараёнда ўзбек жамиятининг мутлақ кўпчилиги диннинг юксак ахлоқли инсонни тарбиялашдаги яратувчан ўрнини қўллаб-қувватламоқда.

## Давлат ва дин. Ўзбекистонда давлатнинг дин ва диний ташкилотлар билан муносабати

Маълумки, совет даҳрий тузуми даврида давлат томонидан фуқароларнинг диний эътиқоди масалалари жиддий таъқиб этилди. Шахснинг диний мансублигига қараб унинг мансаб пиллапоялари бўйлаб ҳаракатига тўсиқлар қўйилди. Оддий миллий урф-одатларга риоя қилиш дин пропагандаси сифатида қаттиқ қораланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бу масалаларда аҳвол бугунлай ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларни том маънодаги виждон эркинлиги ва эътиқод ҳурлиги билан таъминлади.

Бугунги кунда мамлакатда 16 конфессияга мансуб фуқаролар эмин-эркин ўз ибодатларини ўтамоқдалар.

Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 90 фоизи ислом динига мансуб халқдир. Мустақилликнинг дастлабки даврларида-ноқ давлат фуқароларнинг эмин-эркин ибодат қилишлари, ислом дини арконларини чуқур ўрганишлари ва исломий саводхонликларини оширишлари учун етарли даражада шароит яратди. Қурбон ҳайит (Иъйд ал-адха - қурбонлик қилиш байрами), Рўза ҳайит (Иъйд ал-фитр-Рамазон тугашига бағишланган) каби диний байрамлар Президент Фармони билан дам олиш куни деб эълон қилинди.

Ислом динининг халқимиз маънавий ҳаётидаги муҳим ўрнини ҳисобга олиб, давлат томонидан исломий қадриятларни ўрганишга кенг эътибор қаратилгани, аввало, ўзбек халқининг ўзининг бой ва буюк маънавий-маданий тарихини тиклаш, унга нисбатан ифтихор туйғуларини ўстириш билан белгиланади. Ўзбекистон ҳудудида туғилган, ўзининг бой илмий-маънавий мероси билан ислом дунёсида табаррук зотлар қаторида эътироф этилган буюк диний арбобларнинг таваллуд айёмлари давлат миқёсида нишонлана бошлади. Жумладан, 1993 йилнинг сентябрь ойида Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги, 1994 йилнинг ноябрида Хўжа Аҳрор Валийнинг 590 йиллиги, 1995 йилнинг ноябрида аз-Замахшарийнинг 920 йиллиги ва Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, 1998 йилнинг октябрида Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги, 2000 йилда Имом Мотуридийнинг 1130 йиллиги ва Бурҳониддин Марғиновичнинг 910 йиллиги кенг миқёсда нишонланди. Буюк бобокалон мутафаккирларимиз юбилейлари муносабати билан ўтказилган халқаро конференциялардан ташқари, ислом қадриятларини ўрганиш ва тарғиб-

ташвиқ этиш масалаларига бағишланган турли анжуманлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, «Ўрта Осиё ислом даври қўлёзма асарларини яратиш традициялари» мавзuida ўтказилган халқаро анжуман (1997) исломий меросни асраб-авайлаш ва унинг илғор анъаналарини тиклаш жараёнини яна бир босқичга кўтарди. 1990 йилдан бери Имом ал-Бухорий республика илмий-маърифий маркази томонидан Самарқандда мунтазам ўтказиб келинаётган «Дунёвийлик ва дин» мавзусидаги йиллик халқаро семинар глобаллашув даврида юзага чиқаётган ислом дини билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий ҳодисалар тарихини ўрганиш ишларида муҳим натижаларга эришди.

Мамлакатимизда ислом динининг ривож-равнақи масалалари билан шуғулланиш «Ўзбекистон муслмонлари идораси» унинг зиммасидадир. Ҳозирги кунда унинг тасарруфида 1935 масжид, 11 диний таълим муассасаси, жумладан, 1 ислом институти, 10 мадраса фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон муслмонлари идораси муассаслигида диний-оммабоп, диний-илмий адабиётларни чоп этишга ихтисослашган «Мовароуннаҳр» нашриёти, «Ислом нури» ҳафталик даврий газетаси ҳамда «ҳидоят» ойлик журнали фаолият кўрсатмоқда. 1992 йилда буюк юртдошимиз, муҳаддислар султони Имом ал-Бухорийнинг «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» (Ишонarli тўплам) асарларининг тўртинчи жилди таржимаси 200 минг нусхада ва учинчи жилди 1994 йилда, иккинчи жилди 1996 йилда 200 минг нусхадан чоп этилди. Ўша йили Қуръони Карим маъноларининг биринчи ўзбекча таржимаси Алоуддин Мансур томонидан амалга оширилиб, «Чўлпон» нашриётида 100000 нусхада чоп этилди. 2002 йилда Абдулазиз Мансур томонидан амалга оширилган иккинчи таржимаси чоп этилди.

1992 йилдан буён Ўзбекистон радиоси «Ватандош» радиостанциясининг «Жума учрашувлари» эшиттиришлари мунтазам олиб борилмоқда. 1995 йилдан Ўзбекистон телевидениесининг Тошкент студияси орқали «Жума ўғитлари» кўрсатуви намойиш этила бошланди. 1997 йилдан биринчи канал орқали «ҳидоят сари» ҳафталик диний-маърифий кўрсатувлари экранга чиқди.

Республикадаги диний таълим муассасалари фаолияти жамият, дин ва замон талаблари асосида қайта ташкил қилинди. Бугунги кунда уларда диний ва дунёвий билимларни чуқур эгаллаган, янгича тафаккур ва дунёқарашга эга бўлган малакали мутахассислар тайёрланмоқда.

Динни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсати

натижасида мусулмон хотин-қизлар томонидан диний-маънавий меросни ҳар томонлама ўрганиш учун етарли шарт-шароитлар яратилди. Бугун Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфида учта хотин-қизлар мадрасаси: Тошкент шаҳрида Хадичаи Кубро номидаги, Бухорода Жўйбори Калон номидаги ва Китоб шаҳрида Хожа Бухорий номидаги ўрта махсус таълим муассаси фаолият кўрсатмоқда. Уларда жами уч юзга яқин қизлар таълим оладилар. Шунингдек, ўттиз беш ёшдан ошган аёлларнинг исломий маърифатини ошириш мақсадида бир қанча тайёрлов-маърифат курслари ташкил этилган. Хотин-қизларнинг исломий ўрта махсус таълим муассасаларини тузишдан асосий мақсад - дин соҳасида назарий билимларга эга мутахассисларни тайёрлашдир. Бугунги кунда ушбу таълим муассасаларини битирган мингдан ортиқ қизлар халқ таълими соҳасида, жумладан, боғча ва мактаблар, коллеж ва лицейларда баракали меҳнат қилмоқдалар.

Республика диний таълим муассасаларида Қуръон илми, фикҳ - мусулмон ҳуқуқи, ақоид, ҳадисшунослик каби диний фанлар билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси умумий таълим тизимида кўзда тутилган барча дунёвий фанлар, жумладан, химия, математика, астрономия, биология, информатика каби бир қанча фанлар ўтилади.

2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорига биноан Тошкент ислом институти ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги барча диний ўрта махсус билим юртлари битирувчиларининг дипломлари давлат аттестация ҳужжатларига тенглаштирилди. Бу, диний таълим муассасаларини дунёвий давлат таълим муассасалари даражаси билан тенглаштириш ва давлат олий ўқув юртларида узлуксиз таълимни давом эттириш учун тенг ҳуқуқ ва шарт-шароит яратиш демакдир.

Бугунги кунда Президент Фармониغا биноан республиканинг диний мазмунга эга қадимий ва замонавий ёдгорликлари, барча зиёратгоҳлар мусулмонлар идораси тасарруфига ўтказилган.

Ислом динига эътиқод қилувчи Ўзбекистон фуқароларига асосий фарзлардан бўлмиш Саудия Арабистонига ҳаж зиёратига бориш учун барча имкониятлар ва шароитлар муҳайё қилинган. Ҳар йили Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Муборак ҳаж сафарига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида» Қарори қабул қилиниб, зиёратчиларга имтиёзли шароитлар яратилиб берилмоқда. Мустақиллик йилларида 30 мингдан зиёд фуқароларимиз муборак ҳаж ва умра зиё-

ратини амалга оширдилар. 1992 йилда Президент И.Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси расмий ташриф билан Саудия Арабистони Подшоҳлигида бўлди. Подшоҳ Фаҳд бин Абдулазиз ал-Сауднинг делегация аъзоларига кўрсатган эҳтироми ўлароқ, улар Каъбатуллоҳ-Аллоҳнинг уйига кириб зиёрат қилишга мушарраф бўлдилар.

Диний ташкилотларга солиқ тўловлари соҳасида ҳам муайян имтиёзлар берилган. Жумладан, улар коммунал тўловларни юридик шахс бўлишига қарамай, жисмоний шахслар учун кўзда тутилган тарифларда тўлайдилар. Иқтисод қилинган маблағ эса диний ташкилот биноларининг жорий таъмири ва масжид ободончилигига ҳамда диний муассасанинг ўқув ва моддий базасининг мустақамланишига сарф этилиши кўзда тутилган.

1999 йил 7 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониغا асосан Тошкент ислом университети ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамасининг Тошкент ислом университетини ташкил этиш бўйича қабул қилган Қарорига асосан, университетнинг Исломи тарихи ва фалсафаси, диний қонунчилик, иқтисод ва табиий фанлар факультетларида 106 нафар талаба таълим ола бошлади. Университет қошида исломшунослик илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди, кейинги ўқув йилидан эътиборан эса академик лицей ҳам ўз фаолиятини бошлади. 2003 йили биринчи бакалаврлар етишиб чиққан бўлса, 2005 йил қалдирғоч магистрлар тайёрланди.

Бу яна бир марта Ўзбекистон Республикасида дунёвий давлат ва диннинг уйғун тараққиётига ёрқин исботдир.

## **Ўзбекистонда виждон эркинлиги**

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов бошчилигидаги ҳукумат долзарб иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий масалалар билан бир қаторда, маърифий ва маънавий соҳага алоҳида эътибор қаратди. Республика мустақиллиги расман эълон қилиниш арафасида (1991 йилнинг 14 июнида) «Виждон эркинлиги ва ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши тасодиф эмас эди. Мазкур қонун мамлакат тарихида биринчи марта истаган динларига эътиқод қилиш ёки қилмаслик, диний ташкилотлар тузиш, диний эҳтиёжларни қондириш, диний таълим олиш, муқаддас жойларга зиёрат қилиш каби эркинликларни кафолатлади. Фуқароларнинг

динга муносабатларидан қатъи назар, қонун олдида ҳамма тенг эканликларини эълон қилди. Фуқароларнинг миллий, ирқий, ижтимоий келиб чиқишларидан қатъи назар, ҳуқуқий тенг эканликлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида асосий фуқаролик эркинликлар қаторида кафолатлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Виждон эркинлиги ҳуқуқи (31-модда), диний ташкилотлар ташкил қилиш ва уларга кириш ҳуқуқи (34, 56, 58 моддалар), қонун олдида тенгҳуқуқлилик ва давлатнинг диний ташкилотлар ишига аралашмаслиги (57-модда) каби масалалар ўз ифодасини топган. Конституция динлараро нифоқни тарғиб этувчи диний бирлашмаларни, шунингдек, сиёсий диний партияларни ташкил этишни ман этади. Виждон эркинлиги борасида конституциявий меъёр диний ташкилотлардан бир-бирларига бағрикенглик тамойили асосида муомала қилишни талаб қилади.

Конституциянинг 61-моддасида яна бир муҳим демократик қоида аке этган: «Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ва қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний ташкилотлар фаолиятига аралашмайди». Демак, диний ташкилотлар ўз фаолиятида мустақил бўлиб, ҳар бир диний уюшма ўз ички масалаларини мустақил ҳал қилади.

Бугунги кунга келиб дунёвий Ўзбекистон давлати диний ташкилотлар ўзаро мулоқот қилиш жараёнида қуйидаги тамойилларга амал қилиб келмоқда:

- диндорларнинг диний ҳиссиётларига ҳурмат билан қараш;

- диний эътиқодни фуқароларнинг ёки фуқаролар бирлашмаларининг шахсий ишлари, деб тан олиш;

- диний қарашларга эга ёки эга эмасликларидан қатъи назар фуқароларга тенг ҳуқуқларни кафолатлаш ва уларнинг таъқиб остига олинишларига йўл қўймаслик;

- диний бирлашмаларнинг имкониятларидан руҳий маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтиришда фойдаланиш учун улар билан доимий мулоқот олиб бориш;

- диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини тан олиш.

Давлат ва дин ўртасидаги ўзаро алоқаларни уйғунлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича қўмита ташкил этиш тўғрисида»ги Фар-

монига (1992) асосан диний ташкилотлар фаолиятининг дунёвий қисмини мувофиқлаштириб турувчи махсус давлат органи тузилган.

Конституциявий меъёрларнинг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлаш механизми Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунида янада мустақамланди (1998). Ушбу қонун-мазкур соҳада шаклланаётган ижтимоий муносабатларни моҳиятан янги поғонага олиб чиқувчи муҳим ҳуқуқий асосдир. Қонуннинг 5-моддасида келтирилган қоида бағрикенглик тамойилини равшан ифодалайди: «Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроса ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний ва ўзга мутаассибликка ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўйилмайди. Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди. Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қоиданинг бузилишига айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар».

### **Диний бағрикенглик - динлараро муносабатларнинг тараққиётини белгиловчи асосий омил**

Маълумки, Ўзбекистонда яшаётган турли миллат ва дин вакиллари орасида ўзига хос тарихий-этнографик муштараклик мавжуд. Бу муштараклик кеча, бугун ёки истиқлолдан кейин шаклланган эмас, балки Ўзбекистонда бугун ҳукм сураётган диний бағрикенгликнинг камида 2 минг йиллик тарихи бор.

Ўзбекистоннинг кўп миллатли давлатга айланиши, аҳолининг таркибида хилма-хил халқ, миллат ва элатларнинг мавжудлиги узоқ тарихий жараёнларнинг натижасидир. Маълумотларга кўра, бундан юз йил аввал ҳозирги республикаимиз ҳудудида 70га яқин миллат вакиллари истиқомат қилган. Орадан 30 йил ўтгач, бу сон 91тага, 1959 йили 113тага, 1979 йили 123тага етди. Охириги ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра, республикаимизда 136 миллат вакиллари яшамоқдалар. Уларнинг барчаси давлат томони-

дан олиб борилаётган оқилона миллий сиёсат туфайли бир-бирлари билан тинч ва осойишталикда яшамоқдалар. Уларнинг ораларида ўзаро камситиш, бир миллат бошқа миллатдан ўзини юқори қўйиш, бир диннинг бошқа диндан ўзини устун деб ҳисоблаш ҳоллари ҳам учрамайди.

Миллатлараро муносабатларни тўғри йўлга қўйиш бора-сида Ўзбекистон ўзига хос тажриба орттирди. Бунда фақат миллий ўзликни англаш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялаш, миллатларнинг тили, маданияти, урф-одатларини асраб авайлаш билан чекланмаслик, балки мамлакатдаги барча миллатларнинг умумий бирдамлигига эришиш таъмоилига амал қилинди.

Жаҳон миллий-давлатчилик тарихи, айниқса, мусулмон давлатлари тарихи шуни кўрсатадики, дин, унинг жамият ва сиёсатдаги ўрни масалаларида турли давлатларда турлича муносабат мавжуд. Ҳар бир алоҳида олинган давлат ўз ҳудудида асрлар давомида шаклланган муайян тарихий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда дин билан муносабатга киришади. Ўзбекистонда ислом динидан ташқари бир қанча диний конфессиялар ҳам мавжуд бўлиб, улар қадим замонлардан бери ислом билан бақамти ривожланиб келган. Шу сабабли мустақилликка эришилгандан сўнг ўтган қисқа давр ичида давлат мамлакатда азалдан ҳукм сурган диний бағрикенглик анъаналарини тиклади ва динларнинг сиёсатга аралашмаслик таъмоилини қатъий белгилаб қўйди.

Ўзбекистонда дин мамлакатдаги маданий-маънавий анъаналарнинг ажралмас қисми ва аҳоли маънавий камолотининг асоси сифатида қаралади. Дин ўз олдига ҳеч қандай сиёсий мақсад қўйиши мумкин эмас. Бу меъёр давлатнинг дунёвий бўлиши ва мамлакатдаги барча динларга нисбатан тенгҳуқуқлилик ва ўзаро тотувликни таъминлаб беришнинг гарови бўлди.

Ҳозирги кунда республикада 16та диний конфессия қайд этилган. Уларнинг бир қисми Ўзбекистон учун ноанъанавийдир. Давлат улар билан ўзаро муносабатда, ўз дунёвий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги таъмоилларга амал қилмоқда: диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш; диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш; диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик; маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш

учун улар билан мулоқот қилиш йўллари излаш зарурияти; диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш.

Охирги тамойил Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги «Халқаро пакт»нинг 18-моддасига мувофиқ келади. Бу моддада ҳар бир инсоннинг ҳур фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги бўлган ҳуқуқини мустаҳкамлаб қўйишдан ташқари, яна бундай дейилади: «Дин ёки эътиқодга сиғиниш эркига фақат қонун билан белгиланган ва жамоат хавфсизлигини, тартибини, саломатлигини ва ахлоқни сақлаш учун, шунингдек, бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркини муҳофаза этиш учун зарур бўлган чеклашлар билангина дахл қилиш мумкин». Юқоридаги фикрлар маънавият ва маданиятнинг бир қисми бўлган дин билан ундан муайян сиёсий мақсадлар йўлида фойдаланишга уринишларни аниқ ажратиб кўрсатади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 2119 диний ташкилот эркин фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг энг катталари сифатида Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Рус Православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё Епархияси, Евангелъ христиан-баптистлари черкови, Рим-католик черкови, Тўла Евангелъ христианлари черкови, Ўзбекистон Инжил жамиятини кўрсатиш мумкин. Шунингдек, 168 христиан черкови, 7 яҳудий синагогаси, 7 баҳойлар уюшмаси, 2 Кришна жамияти, 1 будда ибодатгоҳи мавжуд.

12 диний таълим муассасаси қаторида 1 православ и 1 христиан протестант семинарийси давлат рўяхатидан ўтган.

Мамлакатимизда ислом динига қандай шароитлар яратилган бўлса, бошқа динларга ҳам худди шундай эмин-эркин ибодат ва озод фаолият учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Ҳар йили мазкур диний ташкилотларнинг 120 дан ортиқ вакили Исроил, Греция ва Россиядаги диний зиёратгоҳларга сафар уюштирадilar, хорижда эътиқодий зиёратга йўл оловчилар учун бериладиган имкониятлардан фойдаланадилар.

Мамлакатда исломий муҳим саналарни нишонлаш билан бир қаторда бошқа конфессияларнинг ҳам диний мазмундаги бир қанча тадбирлари мамлакат миқёсида атрофлича нишонланди. Жумладан, 1996 йилнинг ноябрь ойида Рус Православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё Епархиясининг 125 йиллиги, 1996 йилнинг декабрь ойида Марказий Осиёдаги ягона Евангелъ-лютеранлар жамоасининг 100 йиллиги кенг кўламда нишонланди. 1995 йилда «Бир само остида» халқаро христиан-мусулмон конференцияси ўтказилди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон диний бағрикенгликнинг, конструктив конфессиялараро мулоқотнинг, давлат институтлари ва диний ташкилотлар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир.

## **Диний экстремизм ва фундаментализм - жамият барқарорлигига таҳдид**

Кейинги йилларда кўпчиликни ташвишга солаётган муаммо умуман дин ва хусусан, исломнинг сиёсат билан ёки бошқача қилиб айтганда, исломнинг давлат билан муносабатлари масаласидир. Ислому сиёсат ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги масалани асоссиз ташвиш ёки сохта ташвиқот дейишга ҳеч бир соғлом фикрли кишининг тили бормаса керак. Чунки шимолий Африкадан тортиб, жануби-шарқий Осиёгача бўлган улкан ҳудуддан жой олган, аҳолисининг кўпчилигини мусулмонлар ташкил этувчи айрим давлатларнинг охириги ўн йилликлардаги тараққиёти тажрибаси ҳам, афсуски, «Ислому сиёсий ҳаётнинг энг асосий омилларидан биридир, уни - сиёсатдан, сиёсатни эса ундан ажратиб бўлмайдми», дея хулоса қилмоқдалар.

Минг йилликлар туташган даврда, ҳатто, «жамиятнинг диний хавфсизлиги» деган тушунча пайдо бўлди. Ундан кўзланган маъно - у ёки бу жамиятдаги диний муносабатларнинг барқарорлигидир. Ушбу ислоҳот ҳозирча кўпчиликка эришроқ туюлиши мумкин. Бироқ, бунинг сабаби мазкур тушунчанинг сунъийлиги ёки зўрма-зўраки равишда «қулоғидан тортиб чиқарилган» мантиқсиз эканида эмас, албатта. Чунки фандаги ҳар қандай тушунча ва истилоҳнинг пайдо бўлиши, одатда, йиллар, ҳатто ўн йилликлар давомида ривожланган объектив жараёнларнинг мантиқий маҳсули сифатида юзага чиқади.

Охириги ярим аср давомида бевосита диний омилнинг салбий таъсири туфайли у ёки бу мамлакатнинг яқсон бўлган миллий хавфсизлиги тизимларини бир эслаб кўрайлик. Фақат шуни назарда тутиш лозимки, бундай ҳолатларда диний омилга ҳар доим ҳам умуммиллий хавфсизликни шакллантирувчи алоҳида параметр сифатида қаралмаган. Ҳолбуки, назарда тутилаётган ҳолатларнинг барчаси у ёки бу мамлакатнинг хавфсизлик тизими ва унинг умуммиллий хавфсизлиги даражасига анчагина жиддий таъсир ўтказиб турган, айрим ҳолларда бундай таъсир ҳозир ҳам ўз кучини сақ-

лаб қолмоқда.

Масалан, Буюк Британияни олайлик. Олстердаги католик ва протестантлар ўртасидаги вақти-вақти билан хунрезликлар ва бузғунчиликларни келтириб чиқараётган зиддиятлар ушбу қудратли мамлакатнинг умуммиллий хавфсизлигига путур етказаётган хатарли омиллардан бирига айланаётганлигини ҳеч ким инкор этолмайди.

XX асрнинг ўрталаридан фаоллаша бошлаган радикал диний оқимлар 70-йилларда Миср Араб Республикасининг сиёсий тизимига, демакки, унинг миллий хавфсизлигига нисбатан жиддий хатарга айланди. «Ал-Жиход» ташкилоти томонидан ушбу мамлакат президенти Анвар Садатга қарши уюштирилган суиқасд натижасида 1981 йили давлат раҳбари ҳалок бўлди. Шундан сўнг сиёсийлашган радикал диний гуруҳларга қарши қўлланган аёвсиз жазо чораларидан кейин ҳам аҳвол тубдан ўзгармади: сиёсийлашган радикал диний оқимлар ички ижтимоий-сиёсий барқарорликка путур етказишда давом этавердилар. 1997 йилнинг ноябрида Луксорда худди шундай кайфиятдаги гуруҳлар томонидан ажнабий сайёҳларга қарши уюштирилган террорчилик ҳаракати туфайли Мисрнинг асосий валюта манбаларидан бири бўлган ажнабий туризмга қаттиқ зарба етказилди. Бир йилнинг ўзида мамлакат 1,5 миллиард АҚШ долларидан маҳрум бўлди, натижада унинг иқтисодий хавфсизлигига ҳам жиддий путур етказилди.

Айнан шу даврда Шимолий Африкадаги яна бир араб давлати - Жазоирда кечган воқеалар туфайли 80-йилларнинг охирига келиб, сиёсий-мафкуравий ва диний-маънавий асосда жамият қоқ иккига бўлиниб кетди. Эслатиш жоизки, ўтган асрнинг 70-80 йилларида Жазоирда «араб-лаштириш» дастури амалга оширилган, унинг расмий мақсади Франциянинг мазкур мамалакатдаги узоқ даврлик ҳукронлиги қолдирган маънавий-мафкуравий ва луғавий асоратларига барҳам бериш, деб долларидан маҳрум бўлди, натижада унинг иқтисодий хавфсизлигига ҳам жиддий путур етказилди. Ушбу дастурни амалга ошириш учун бошқа араб мамлакатларидан Жазоирга кўп сонли араб тили ўқитувчилари таклиф қилинган эди. Улар Жазоирликларга нафақат араб тилидан, балки ислом динидан ҳам дарс бера бошладилар. Жазоирдаги умумий ижтимоий-иқтисодий қолоқлик ва саводхонлик даражасининг пастлиги туфайли хорижий муаллимларнинг ҳар бир сўзи омма томонидан ҳақиқатнинг олий чўққиси сифатида қабул қилина бошланди. Натижада 1992 йилдаги парламент сайловларида

ушбу оммавий кайфиятдан фойдаланган радикал диний-сиёсий кучлар кўпчилик ўринларни қўлга киритди. Улар мамлакат тараққиётининг асосий йўналишларини тубдан ўзгартириш, уларни исломий шариат асосида қуриш талабини олға сурдилар. Бу талаб жамиятдаги бўлиниш жараёнини янада чуқурлаштирди, давлат ва жамият қурилишидаги илму маърифатга асосланган дунёвийлик ва исломга суянган динийлик ўртасидаги мувозанатнинг бузилишини келтириб чиқарди. Охир-оқибатда эса, ўтказилган сайловлар бекор қилинди. Бунинг натижасида вужудга келган бағоят кескин ички ижтимоий-сиёсий ва диний-мафкуравий зиддиятлар қарийб 7 йил давом этган қонли тўқнашувларни келтириб чиқарди, уларда тахминан 65 минг киши қурбон бўлди, сиёсийлашган ва ашаддийлашган диний омил эса, умуммиллий барқарорлик ва хавфсизликнинг ҳақиқий душманига айланди. Бу каби мисолларни яна кўплаб давом эттириш мумкин. Мусулмон дунёсида фаолият кўрсатаётган диний-сиёсий гуруҳлар ва партиялар бундан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга интиломқда, улар мустақиллигини яқинда қўлга киритган, аҳолининг кўпчилигини мусулмонлар ташкил этадиган минтақамиз мамлакатларини ҳам ўзининг таъсир доирасига киритишга фаол интиломқда.

Марказий Осиё мамлакатлари илк бор экстремистик ғояларининг тарқалиши хавфига 1980 йилларнинг охирида дуч келди. 1990 йилларнинг бошида собиқ совет давлати йўқ бўлгандан сўнг ҳокимият ва мафкура бўшлиғи шароитида бу муаммо кенгроқ қўламда тус олди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида исломни эркинлаштириш жараёнида ҳаддан ташқари кўп масжид ва мадрасалар очилган эди. Уларнинг кўпчилигида диний bilimлари саёз ва илмий салоҳияти талаб даражасида бўлмаган имомлар ёки хориждан келган даъватчилар ислом дини асосларидан таълим бердилар. Таълим жараёнида араб мамлакатларида, Туркия ва Эронда чоп этилган дарсликлардан фойдаланилди. Натижада 1990 йилларнинг ўрталарига келиб, ёшлар орасида ислом асосларини мутаассибларча талқин қиладиган баъзи гуруҳлар пайдо бўлди. Улар «ислом давлати» қуриш, «кофир» ватандошларига уруш эълон қилиш ғояларини кўтариб чиқа бошладилар. Ҳатто исломни сиёсийлаштириш, баъзи оддий фуқаролар онгига турли радикал сиёсий ғояларни сингдириш ва бу билан замонавий демократик фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги давлат ислохотлари жараёнига тўсқинлик қилишга уринишлар бошланди. Бу ҳаракатлар натижасида мамлакатимиз ҳудудида

«Ваҳҳобийлар», «Тавба», «Адолат», «Ўзбекистон Ислом ҳаракати», «Акримийлар», «Таблиғ», «Аҳмадия», «Нурчилар», «ҳизбут-таҳрир» каби ташкилотлар пайдо бўлди. Уларнинг мақсади одамлар онгини заҳарлаш, куч ишлатиб бузғунчилик, тўнтаришлар қилишдан иборат эди.

Маълумки, диний онг ўз-ўзидан ўзгармайди. Унга фаол таъсир кўрсатиб турувчи омиллар мавжуд. Уларнинг энг таъсирчани, шубҳасиз диний муассасалардир. Ўзбекистон мисолида олиб қараладиган бўлса, 1992 йилнинг бошларига келибоқ масжидларнинг сони 3 мингтадан ошиб кетди. Узоқ тарихий давр давомида олиб борилган исломга қарши сиёсат кўзгуси орқали мулоҳаза қилинса ҳамда 80-йилларнинг охири, 90-йилларнинг бошида вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазиятни эсласак, бу - табиий ҳол эди, дейиш мумкин. Масаланинг ғайритабиий томони шунда эдики, масжидлар сонининг узлуксиз ошиб бориши билан бир вақтда, мусулмон аҳолисининг диний онгини радикаллаштириш ва сиёсийлаштиришга уринган кучлар ҳам фаоллашиб борди. Масжидларнинг баркамол инсонни тарбиялашдек нозик масаладаги муҳим тарбиявий ролини инкор этмаган ва унга заррача соя ташламаган ҳолда, шуни қайд этиш мумкинки, уларнинг айримлари, афсуски, Ўзбекистонда сиёсий исломнинг шаклланиши ва ривожланишида таянч нуқта бўлиб хизмат қилади. 90-йилларнинг бошида, Россияда тузилган «Ислом уйғониш партияси»нинг филиалини Ўзбекистонда очиш, «Туркистон ислом партияси»га асос солишга қаратилган уринишлар мазкур кучларнинг ўз сафларини мустаҳкамлашга йўналтирилган кенг кўламли ҳаракатлари сифатида юзага келди. Наманган ва Қўқонда тузилган «Адолат», «Ислом лашкарлари», «Одамийлик ва инсонийлик» каби ҳарбийлашган ташкилотлар жиноятчиликка қарши курашда давлат органларига ёрдам бериш ниқоби остида ҳуқуқ ва тартибот муассасаларининг айрим вазифаларини ўз зиммасига ола бошлагани ҳам исломнинг тез суръатлар билан сиёсийлашаётганидан далолат берар эди.

Ҳар қандай масжидда диний қадриятларнинг тарғиб этилиши табиий ҳол. Аслида масжидларнинг асосий вазифаларидан бири ҳам шудир. Демак, улар диний онгни ривожлантириш ва унинг эволюцияси йўналишини белгиловчи энг муҳим механизмдир. Лекин унутмаслик керакки, масжидларда ушбу тарғибот соф диний қобикда ўралган ҳолда амалга оширилади. Бундан ташқари, турли масжидларда ваъз қилувчиларнинг савияси ҳам, дунёқараши ҳам турличадир. Уларнинг ичида диний фундаментализм ва ундан озиқланувчи

диний экстремизм гоёларига мойил, виждон эркинлиги ва демократик ҳурфикрлиликка мурасасиз кучлар ҳам мавжудлиги фақат чет эл мамлакатларидагина учрайдиган ҳол эмас.

Кейинги йилларда диний экстремистик ва террорчи ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда иштирокчилари зарарсизлантирилди. Уларга нисбатан тегишли жазо чоралари кўрилди. Бироқ уларнинг бир қисми Ўзбекистондан ташқарида, ўз фаолиятини бошқа давлатлар ҳудудида давом эттирмоқда. Айримлари эса яширин равишда Ўзбекистон ва қўшни мамлакатлар ҳудудида бузғунчи мафкуравий ҳаракатларини олиб бормоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилган террорчилик хуружлари бўйича олиб борилаётган тергов маълумотларига кўра, террорчиларнинг ҳаракатлари Яқин Шарқдаги террорчи гуруҳларга хос бўлган хусусиятларга эга. Масалан, аёлларни «шаҳид»ликка жалб этиш, ҳеч нарсадан қайтмаслик, ҳатто тинч аҳолининг, норасида гўдак ва бегуноҳ мўйсафидларнинг ўлимига заррача қайғурмаслик каби шафқатсиз қарашларга эга бўлиш. Бу уринишларнинг энг ёвузи сифатида 2005 йилнинг 13 май куни Андижонда содир этилган хунрезлик ва ҳокимиятни эгаллашга бўлган қуроли ҳаракатни мисол келтириш мумкин. Шу йилнинг 24 мартада Қирғизистонда юз берган «қизғалдоқ инқилоб» деб аталган воқеаларни четдан молиявий қўллаб-қувватлаган, худди шундай тарзда сал олдинроқ Тбилиси ва Киевда сайловлар муносабати билан рўй берган сиёсий воқеалар орқасида турган айрим хориждаги сиёсий кучлар Ўзбекистон ҳам худди шу гирдобга тортилишини жуда ҳам хоҳлаган эдилар. Улар Қирғизистондаги каби Ўзбекистонда ҳам маҳаллий ва марказий ҳокимият заифлик қилади, деган хом хаёлга борган эдилар. Хориждаги ҳомийлар руҳлантирган жангарилар онги заҳарланган ёшларни ўзларига эргаштириб, маъмурий биноларни эгаллаш йўли билан ўз қабих мақсадларига эришишни хаёл қилган эдилар. Мақсад Андижонда конституциявий тузумни ағдариб, халифалик тузиш эди.

Бугунги таҳдидларнинг асосийлари, жумладан Ўзбекистоннинг умуммиллий хавфсизлиги билан боғлиқ муаммолар энг чуқур ёритилган ва уларни бартараф этиш бўйича энг мукамал ва ҳаётий тавсиялар берилган манба бу - Президент Ислом Каримовнинг асарлари, айниқса, унинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» деб номланган фундаментал тадқиқотидир. Президент асарларида баён этилган оғоҳларни теран идрок этиш, уларда қўйилган стратегик

моҳиятга эга фундаментал вазифалари сидқидилдан ва мунтазам бажариб бориш - тинч ва фаровон келажагимизнинг кафолати демакдир. Хусусан, И.А. Каримов Ўзбекистонга нисбатан ислом фундаментализмининг таҳдиди қуйидагиларда намоён бўлаётганини таъкидлайди:

**Биринчидан**, ақидапарастликни ёйиш орқали диндор мусулмонларнинг ислоҳотчи давлатга ишончини йўққа чиқаришда кўринмоқда. Яхшилик йўлидаги ўзгаришларнинг устувор шартлари бўлган барқарорликни, миллий, фуқаролараро ва миллатлараро тотувликни бузиш йўлидаги уринишларда намоён бўлмоқда. Ақидапарастларнинг мақсади демократияни, дунёвий давлатни, кўпмиллатли ва кўп динли жамиятни обрўсизлантиришдан иборатдир.

**Иккинчидан**, фундаменталистларнинг адолат ҳақидаги оломонбоп, жозибадор, аммо бақироқ ва асосиз даъватларига кўр-кўрона эргашувчилар ўзгалар иродасининг қули бўлиб қолишини англашимиз лозим. Бу даъватлар охир-оқибатда бундай одамларнинг ақлигагина эмас, балки тақдирига ҳам ҳукмрон бўлиб олишини яққол англашимиз, айниқса, ёшларимиз буни аниқ тасаввур қилиши лозим. Бундай нуфузли одамларга бўйсунмай қўйиш шахсий фожеага айланиб кетиши мумкин. Қулларча мутелик, шахснинг эркисизлик асоратига тушиб қолиши, фикрлаш, саъй-ҳаракат ва ташаббус кўрсатиш эркинлигининг мутлақо чекланиши бунинг энг оғир оқибатларидир. Бизнинг тараққиёт сари интилишимизни эса фикрлаш, ҳаракат қилиш ва ташаббус кўрсатишсиз тасаввур қилишимиз қийин.

**Учинчидан**, мамлакат минтақалари аҳолиси ва ижтимоий қатламлар орасида «ҳақиқий» ва «сохта» диндорлик белгилари бўйича қарама-қаршилик келтириб чиқаришда кўринмоқда. Бундай ҳол Жазоирда, Афғонистонда миллатларнинг парчаланиб кетишига олиб келди.

**Тўртинчидан**, Ўзбекистоннинг жанубий чегараларидаги қўшни мамлакатларда фуқаролар уруши тўхтамай, давом этиб келаётганлигида намоён бўлмоқда. Бу ҳолат ўзларини чин мусулмон, дин учун курашувчилар деб ҳисоблайдиган, мудҳиш тасаввурларини халқимизга зўрлаб қабул қилдиришни истайдиган террорчилар, жангариларнинг янгидан-янги авлодларини вужудга келтирмоқда.

Мусулмон ва номусулмон мамлакатлар, уларнинг жамоатчилиги орасида ҳам Ўзбекистон ҳақида кўнгилни совутадиган фикр тугдиришга уринишларда намоён бўлмоқда. Уларга бизни гоҳ даҳрий қилиб, гоҳ эса давлатни исломлаштиришнинг яширинча тарафдорлари қилиб кўрсатишни истайдилар.

Ислом цивилизацияси билан исломий бўлмаган цивилизация ўртасида ялпи қарама-қаршилиқни шакллантиришда намоён бўлмоқда. Омманинг онгида дин барча иқтисодий, сиёсий ва халқаро муаммолар ҳамда зиддиятларни ҳал қилишнинг универсал воситаси деган фикрни қарор топтиришда кўринмоқда.

Шуниси ачинарлики, дунё бўйича минглаб диний мактаб-мадрасалар улар томонидан «жиҳод» мактабларига айлантирилган. Айрим маълумотларга кўра, сўнгги 20 йил давомида 15-20 мингтадан ортиқ бундай мадрасада 4 миллион ёшлар тайёргарликдан ўтган. Бу эса жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш жараёнларига ғоят салбий таъсир кўрсатмоқда. Янги мустақил давлатларнинг қолоқлигини турғун бир ҳолатга айлантирмоқда. Ундан ҳам даҳшатлиси шуки, одамларни диний заминда «цивилизациялар тўқнашуви»ни кутишга мажбур қилмоқда.

«Фундаментализм» тушунчасининг келиб чиқиши аслида христиан дини билан боғлиқ. Христианлар Инжилни ташвиқ этиш учун уни турли тилларга таржима қилганлар ва натижада маскур китобнинг таржима матнлари орасида катта фарқлар пайдо бўлган. Шунингдек, христианларда Исо пайғамбар сафдошлари ва бошқа тарихий шахсларга сиғиниш, уларни илоҳийлаштириш даражасигача етиб бориш оқибатида христиан динининг устувор ғояларини талқин этишда маълум маънода бузилишлар содир бўлган. Асл Инжил матни ўз давридаёқ йўқолиб кетгани боис, ҳаворийларнинг қарашлари, мактублари, ёзишмалари орқали Инжил тартиб берилган эди. Инжил догмаларининг ўзгартирилиши кейинчалик баъзи радикал дин арбоблари томонидан танқид қилинди. Христианликда фундаментализм, яъни асосларга қайтиш ҳаракати анча олдин сезилган бўлса ҳам, унинг расмий кўриниши 1908 йилда АҚШнинг Калифорния штатида радикал протестантларнинг «Христиан динининг фундаментал тушунчалари конференцияси» (The Conference on Christian Fundamentals) уюшмасининг вужудга келиши билан боғлаш мумкин. Уларнинг асосий мақсади Инжилни соф ҳолига келтириш эди. Исломдаги фундаментализм эса Қуръон билан боғлиқ бўлмай, аксинча анъаналар билан боғлиқдир. Бу ҳаракатлар «ваҳҳобийлик» номи билан машҳур. Уларнинг асосий мақсадлари соф ислом таълимотига қайтиш ва уни Пайғамбардан кейинги даврларда исломлаштирилган турли халқлар анъана, расм-русумлари ва қарашларидан тозалашдир. Ваҳҳобийлик феноменига сиёсий жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, бу диний оқим тарафдорлари кескин

ақиданарастиликка асосланган бўлиб, ҳозирги кунда ўта жангариликка таянган, ислом динидаги фундаментал мафкура-ни амалга оширишдаги «Муқаддас уруш» эълон қилган ва сиёсий мақсадларни кўзлаган гуруҳлардир.

«Ҳизбу-т-таҳрир ал-исломий», (Ислом озодлик партияси) ҳам худди шу ғояларни ўзига шиор қилиб олган. Унинг охириги 10-15 йил давомида Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистондаги фаолиятини кўриб чиқадиغان бўлсак, унинг зўр бериб оддий фуқароларнинг диний ҳистуйғулари, мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни популистик мақсадлар йўлида суниистеъмол қилиш, конфессиялараро муносабатларнинг ҳассос жойларини эксплуатация қилишга интилаётганлигини кўриш мумкин.

Тарих шундан далолат бермоқдаки, ўтган аср давомида ва эндиликда бошланган асримиз ибтидосида кучайиб бораётган диннинг сиёсийлашуви муаммоси деярли барча мусулмон жамиятлари учун алоҳида долзарблик касб этди. Бундай жамиятларнинг баъзиларида диний онгнинг чуқурлашуви, айрим ҳолларда унинг радикаллашуви, диний омил сиёсийлашуви майлининг кучайиб бориши, диний ашаддийлик-радикализмдан экстремизм ва терроризм каби миллий хавфсизлик учун хатарли ҳаракатларни келтириб чиқармоқда.

Ғарб дунёсида ислом ва сиёсат масаласига турли қарашлар мавжуд. Кўпчилик машҳур сиёсатшунослар ислом омилнинг сиёсийлашувга мойиллигига урғу берса, франциялик олим О.Руа яқинда нашр этилган китобини «Сиёсий исломнинг ҳалокати» деб номлайди. Собиқ марказдаги айрим империянараст кучлар эса, ислом, сиёсий омил сифатида, Марказий Осиёнинг Россиядан йироқлашувига сабаб бўлмоқда, дея ташвиш чекмоқдалар.

Хўш, бу масалага бизнинг муносабатимиз қандай? Ушбу ҳаётий саволга ишончли жавоб топмасдан туриб, дунёвий жамият қуриш йўлидан бораётган давлатимизнинг умуман дин ва хусусан исломга муносабати ҳақида халқимиз, аynиқса, ёш авлодга тўғри ва соғлом тушунча бериш муаммога айланади.

Энг аввало, эътироф этиш лозимки, ҳар қандай диний эътиқод каби, ислом ҳам барча вақтларда, шу жумладан, даҳрийлик кенг тарғиб этилган шўролар тузуми даврида ҳам, ижтимоий муносабатлар ва маънавий-руҳий ҳаётга ўз таъсирини ўтказиб турган муҳим омиллардан бири бўлиб келган. Ижтимоий муносабатларнинг уйғунлиги ҳамда маънавий-руҳий ҳаётнинг табиийлиги эса, ҳар қандай жамиятнинг

ички сиёсий барқарорлигини белгиловчи асосий омиллардан эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Ушбу нуқтаи назардан қараганда, ислом ва сиёсат ўртасидаги ўзаро боғлиқликни инкор этиб бўлмайди. Бунинг сабаби эса, ислом халқимизнинг онги шуури ва менталитетига шу қадар сингиб кетганки, Президентимиз таъкидлаганидек, «уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди». Бундан келиб чиқадиган мантиқий хулоса шуки, ислом дини ва мусулмончилик деган тушунча бизнинг минтақамиз учун фақат ўтмиш тажрибасигина бўлиб қолмасдан, у - келажак воқелиги ҳамдир. Исломнинг жамият ҳаётидаги роли, том маънодаги ҳурфикрлик қарор топаётган мустақиллик даврида ўзини янада яққолроқ намоён этаётгани ҳам шундай хулоса чиқаришга асос беради. Буни исломнинг жамиятимиз учун табиий роли ва ўрни, деб қабул қилиш мумкин.

Бироқ ислом омилнинг сиёсийлашуви жамият хавфсизлиги ва барқарорлиги учун катта таҳдиддир. Ушбу ҳолат исломнинг соф диний эътиқод чегарасидан чиқиб, давлат ва жамият қурилиши масалаларига аралашшига уринишдан бошланади. Мазкур ҳол мусулмон Шарқ мамлакатлари тарихида такрор ва такрор намоён этиб келаётгани яхши маълум. Бундай ҳолатнинг вужудга келиш хавфи, у ёки бу жамият тарихида инқилобий ўзгаришлар рўй берган даврларда айниқса кучаяди.

Ушбу ўринда диний омил билан боғлиқ яна бир муҳим жиҳат ҳақида тўхталиб ўтиш мантиқий кўринади. Марказий Осиё мамлакатларининг мустақиллик йилларидаги тараққиёт тажрибаси, бизнингча, мусулмон жамиятларида миллий ўзликни англаш ва исломий уйғонини жараёنлари бир-бири билан алоқадор тарзда, ҳатто бир-бирига киришиб кетган ҳолда кечади, деган хулосанинг тўғрилигини яна бир карра тасдиқламоқда. Ҳақиқатан ҳам миллий ўзликни англаш билан боғлиқ хилма-хил жараёнларни диний қадриятлардан айри ҳолда тасаввур этиш амримаҳол. Бизнинг жамиятимиз учун ҳам табиий бўлган ушбу хусусият ўзининг ўта ҳассослиги, нозиклиги ва шу билан бирга, хатарлилиги билан ажралиб туради. Мазкур икки тушунчани бир деб қабул қилиш, уларнинг ўзаро нисбатини баҳолашда хатога йўл қўйиш – диннинг сиёсийлашувига йўл очиб беради. Шунини ҳам унутмаслик лозимки, айрим ҳолларда жамиятдаги муайян кучлар ўзларининг ғаразли сиёсий мақсадларига эришиш учун онгли тарзда айнан шундай қиладилар. Кўпинча ушбу «услуга»дан ноқонструктив муҳолифат вакиллари фойдаланишга уринадилар. 13 майда Андижонда содир этилган

воқеалар ушбу хулосанинг яна бир исботидир.

Мустақил тараққиётимиз йилларида тўпланган тажриба кўрсатганидек, жамият хавфсизлигига дин билан борлиқ таҳдидлар аниқ омилларнинг таъсири туфайли кучайиши мумкин. Уларнинг бир-иккитасинигина кўрсатиш билан чекланамиз. Биринчидан, бундай ҳолат диннинг сиёсийлашуви кучайганда юз беради. Фикримизнинг исботи сифатида, мустақилликнинг илк босқичида мисли кўрилмаган даражада фаоллашган диний гуруҳларнинг сиёсий ва ҳатто, ҳарбийлашган ташкилотларни тузишга қаратилган амалий ҳаракатларини эслатиш мумкин. Ушанда бундай гуруҳлар Ўзбекистонни исломий давлат деб эълон қилишни ултиматив тарзда талаб этишгача бориб етган эдилар. Мафкуравий маркази Наманганда бўлган ушбу ҳаракат мамлакатимизнинг бошқа минтақаларида ҳам муайян акс-садо бериб, умуммиллий хавфсизликка жиддий таҳдид туғдирганини инкор этиб бўлмайди. Иккинчидан, диний хавфсизликнинг бузилишига олиб келувчи яна бир омил - бу жамиятдаги радикал экстремистик унсурларнинг фаоллашувидир. Одатда, бундай ҳолатлар уларнинг ҳомийлик қилаётган ташқи кучларнинг кўрсатмалари, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаши билан юзага келади. Бунинг исботи сифатида охириги йилларда Ўзбекистон ҳудудида содир этилган экстремистик-террористик ҳаракатларни келтириш мумкин. Учинчидан, бундай ҳолат кенг халқ оммасининг мамлакатда кечаётган, кўпчиликнинг манфаатлари билан боғлиқ у ёки бу жараёнлар мазмунидан норозилиги туфайли вужудга келиши мумкин. Гарчи Ўзбекистон Республикасида бундай бўлишига замин бўлмаса-да, лекин айрим мусулмон мамлакатларда у ўзини такрор ва такрор намоён этаётгани ҳамда қанчалик оғир оқибатларга олиб келаётгани бизни соғлом хулоса чиқаришга ундайди. Яъни, бундай ҳолатни юзага келишининг олдини олишга қаратилган барча чораларни ўз вақтида кўриш умуммиллий хавфсизликни сақлаб қолишнинг энг самарали йўли эканини бир дақиқа ҳам унутмаслик лозим.

Шуни ҳам унутмаслик лозимки, дунёвий-маърифий давлат ва жамият қурилаётган ҳар қандай мамлакатда диний жараёнлар эволюциясини ўзибўларчиликка ташлаб қўйиш мутлақо ярамайди. Ушбу мулоҳаза, айниқса, ўзликка қайтишнинг қуш қанотини ташкил этувчи миллийлик ва динийлик ўртасидаги чегарани аниқлаш бағоят мушкул бўлган мусулмон жамиятлари учун долзарбдир. Дунёвий-маърифий давлат ва жамият дегани эса, энг аввало қонун устуворлигини тақозо этади. Қонун барча учун баробар деган фундамен-

тал демократик тамойил, шубҳасиз, диний жараёнларга ҳам тааллуқлидир. Ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий ҳаётнинг бошқа ҳар қандай соҳаси каби, улар ҳам фақат қонун белгилаб қўйган мезонларга биноан ривожланишга ҳақли. Ифодали қилиб айтганда, қонун барча бошқа соҳаларни меъёрга солиб тургани каби, диний вазият эволюцияси ҳам, ҳеч қандай чекинишларсиз, унга бўйсунилганга мажбур. Бу иш демократиянинг асосий тамойилларидан бўлган виждон эркинлиги, хусусан, эътиқод эркинлигини чегаралаш ҳисобга олинмайди, албатта. Аксинча, азал-азалдан демократик жамиятнинг бош мезони бўлиб келган қонун устуворлигини таъминлаш орқали амалга оширилади.

Диний вазият эволюциясини бошқариш ҳақидаги тезис, энг аввало, дунёвий-маърифий давлат ва жамият қурилиши жараёнида диний омилга ажратилган конституциявий ўринни қонуний воситалар билан таъминлашни назарда тутати. Бунга эришишнинг осон эмаслигини ҳам чуқур идрок этмоқ зарур.

Юрт тинчлиги ва халқ осудалигини таъминлаш зарурати диний экстремизм, фундаментализм ва фанатизмга қарши курашни ҳаётий масалага айлантди. Терроризм хавфи бутун дунё ҳамжамиятига таҳдид солиб турган бу даврда Ўзбекистон биринчилардан бўлиб халқаро терроризм ва диний экстремизм билан кураш масаласини давлат сисмати даражасига кўтарди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг дастлабки даврлариданоқ фундаментализм ва терроризмнинг инсониятга хавфи, унинг демократия ва инсон ҳуқуқларига зид ғояларининг тарқалишининг олдини олиш, унга қарши жаҳон ҳамжамияти биргаликда кураш олиб бориши лозимлиги тўғрисида жаҳоннинг нуфузли минбарларидан туриб бонг урди. Ислом Қаримов БМТда сўзлаган нутқида (1993), ЕХҲТнинг Истамбул саммитида (1999) давлат раҳбарлари билан учрашганда терроризм ва унинг манбалари, базалари, фаолиятини бартараф этиш бўйича амалий таклифлар билан чиқди ва «Террорчиликка қарши кураш бўйича халқаро марказ» тузиш таклифини ўртага ташлади.

2000 йил 21 апрелда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасида «Терроризм, сиёсий ва диний экстремизм, трансчегаравий уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича умумий чоралар тўғрисида» битим имзоланди. Бу ҳужжат ва минтақа мамлакатлари орасида имзоланган бошқа муҳим шартномалар минтақада тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган

жараёнларга ҳуқуқий мезон бўлиб хизмат қилмоқда.

Муайян хорижий кучларнинг мақсадли ҳаракатлари таъсирида айрим шахслар диний онгининг тобора радикаллашиб бориши ва зўравонликка асосланган хатти-ҳаракатларнинг юз бериши қонунчилик соҳасида баъзи амалий чора-тадбирларни қабул қилишни тақозо этди. Жумладан, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунни қайта кўриб чиқиш давр талабига айланди. 1998 йилнинг май ойида қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Унда диндан сиёсий мақсадларда фойдаланиш, миллатлараро ва турли адоватлар қўзғашга қаратилган хатти-ҳаракатлар учун муайян жиноий ва маъмурий жазо чоралари кўриб чиқилди. Жиноий Кодексга дин ниқоби остида содир этилган жиноятлар юзасидан қатор қўшимчалар киритиб, жазо чоралари белгиланди. Жумладан, ЖК:145 - виждон эркинлигига дахл қилиш, 156 - миллий, ирқий ва диний адоват ёйиш, 159 - конституциявий тузумга раҳна солиш, 216 - фаолияти тақиқланган жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар тузиш, 217 - изоҳ - диний йиғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузиш, 229 - изоҳ - диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш, 244 - изоҳ - жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш.

2000 йилда «Терроризм ва экстремизмга қарши курашни кучайтириш тўғрисида» Давлат дастури қабул қилинди. Унинг асосида ўша йилнинг декабр ойида Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

Нью Йорк ва Вашингтонда 2001 йил 11 сентябрда содир этилган террорчилик ҳаракатларидан сўнг АҚШ бошчилигида тузилган халқаро терроризмга қарши кураш коалицияси таркибига Ўзбекистон Республикаси ҳам кирди.

Ўзбекистон республикаси ва Америка Қўшма Штатлари ҳукуматларининг 2001 йил 7 октябрдаги Қўшма Баёноти ва икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида халқаро терроризмга қарши кураш борасида имзоланган битим ўзаро мажбурият ва кафолатларнинг ҳуқуқий асоси, умумий манфаатларнинг амалий ифодасидир. Айниқса, 2004 йил январ ойидан Тошкентда Шанхай ҳамкорлиги Давлатлари Минтақавий Аксилтеррор Тузилмаси (ШХД МАТ) ижроия қўмитасининг иш бошлаши яна бир бор Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ортиб бораётганлигини, жаҳон сиёсатининг фаол иштирокчисига айланганлигини, у танлаган сиёсий йўлнинг тўғрилигини ҳамда ўз халқи манфаатларидан келиб чиқиб саъй-ҳаракатлар олиб бораётганлигининг ёрқин

далили бўлди.

Шу ўринда диний қадриятлар билан боғлиқ ишларни тўлалигича соф диний муассасаларга топшириб қўйиш тўғрими, деган мантиқий савол туғилади. Мустақил ривожланиш йиллари давомида мазкур саволнинг долзарблиги мунтазам ошиб бормоқда дейишга етарли асослар бор.

Маълумки, мамлакатимиз фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш йўлидан бормоқда. Президент Ислом Каримов томонидан давлат қурилишининг навбатдаги босқичи «кучли давлатдан - кучли жамият сари» деб белгилангани ҳам бежиз эмас.

Фуқаролик жамияти эса, энг аввало, жамият бошқарувининг муайян соҳаларини давлат органлари ва ташкилотлардан босқичма-босқич нодавлат ва ноҳукумат тузилмаларга ўтиб боришини англатади. Демократик мамлакатлар тажрибаси шундан далолат бермоқдаки, фуқаролик институтлари, асосан, маънавият ва маърифат, илм ва маданият билан боғлиқ соҳаларда кўпроқ ўзини намоён этиб боради. Охириги йилларда Ўзбекистонда бу соҳада қатор ишлар амалга оширилмоқда. Миллий гурур, ўзликни англаш, миллий-диний қадриятларни тўғри ва соғлом идрок этишга қаратилган маънавий-маърифий йўналишда жамғарма, уюшма ва марказлар тузилмоқда. Улар давлат ташкилотларидан олинган бошқарув ва тарбиявий-маърифий функцияларини бажаришга ҳаракат қилмоқдалар. Давлат органлари, ўз навбатида, уларнинг мустаҳкамланиб бориши учун лозим моддий-маънавий ва қонуний асосларни яратишга фаол кўмаклашмоқда.

Фикримизча, мазкур тузилмалар олдида турган энг муҳим ижтимоий-маънавий моҳиятга эга вазифалардан бири - халқимиз учун асрлар оша анъанавий бўлиб келган аёл диний қадриятларимизнинг тўғри идрок этилишига амалий ҳисса қўйишдан иборат. Тўғри, мазкур тузилмалар ушбу муҳим ишни амалга оширишга интилмоқда. Бироқ уларнинг савияси ҳар доим ҳам замонавий талабга жавоб беради, дейиш қийин. Уларнинг баъзилари бирон бир гоё ёки фикрни исботлаш учун соф диний муассаса учун хос бўлган диний ақидани ягона далил қилиб олиш даражасигача тушиб қолаётгани ҳам бу каби тузилмалар ўзларининг ҳақиқий ҳаётий ўрни қаерда эканлигини охиригача идрок эта олмаётганлигидан дарак беради.

Ваҳоланки, улар диний билимларни дунёвий маърифат кўзгуси орқали таҳлил қилиши ва тушунтириши лозим. Мустаҳкамланиб бораётган миллий ўзликни англашга бево-

сита алоқадор диний қадриятларнинг тўғри ва соғлом идрок этилишига қаратилган маърифий-тарбиявий ишларни амалга оширишлари керак. Бошқача айтганда, уларнинг асосий вазифаларидан бири - диний қадриятлар, энг аввало, инсон маънавий баркамоллигига хизмат қилиши лозимлиги ҳақидаги азалий ҳақиқатни, халқимиз, айниқса, ёш авлод онгига сингдириб боришда диний ташкилотларга кўмаклашидир. Бундан ҳам муҳими, диний эътиқод - сиёсий ўйинлар майдони эмаслиги, бу каби ўйинларнинг жамият хавфсизлиги ва барқарорлиги учун нечоғлик хатарли эканлигини илмий-тарихий ва ҳаётий далиллар билан асосланган ҳолда кенг оммага мунтазам тушунтириб боришдан иборатдир.

Ушбу ишдан кўзланган пировард натижа - халқимиз учун қадимдан анъанавий бўлиб келаётган диний-тарихий меросга садоқатни мустаҳкамлаш, шу орқали диний қадриятларнинг ҳақиқий ўрни тўғри идрок этиш, диний вазиятнинг соғлом ва табиий ривожланишга амалий ҳисса қўшишдан иборат бўлгани учун ҳам улар қуруқ ташвиқот бўлиб қолмаслиги керак. Диний қадриятларнинг соғлом ва тўғри идрок этилишига қаратилган фаолият кўҳна ва серқирра тарихимиз ҳамда аждодларимиз қолдирган ибратли маънавий меросга асосланган бўлмоғи лозим. Шунда диний онгнинг сиёсийлашуви йўли қирқилади.

Фуқаролик жамияти институтлари ривожланиб, мустаҳкамланиб борган сари буюк бобокалонларимиз қолдирган бой илмий-маданий мерос, жумладан, маънавиятимизнинг узвий қисми бўлган миллий-диний қадриятларни чуқур ва янгича ёндашув асосида ўрганиш имкониятлари беқиёс кенгайиб бормоқда. Олдимизда турган вазифа - яратилаётган имкониятлардан тўғри, умуммиллий юксалиш манфаатларига мос равишда фойдаланишдир. Шундай қилинганда, ислом ва сиёсат, дин ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг табиийлиги, уларнинг жамиятимиз сиёсий барқарорлиги ва маънавий баркамоллигига хизмат қилувчи уйғунлиги таъминланади.

## Муаллифлар ҳақида маълумотлар:

Аҳаджон Ҳасанов - тарих фанлари доктори, профессор. Тошкент ислом университети жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО кафедраси мудири.

Зоҳидулло Мунавваров - сиёсий фанлар доктори, профессор. Имом Бухорий номидаги республика илмий-маърифий маркази раиси.

Шоазим Миноваров - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси, тарих фанлари номзоди, доцент.

Шухрат Сирожиддинов - филология фанлари доктори, профессор. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини проректори.

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ  
УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН: ДИНЛАРАРО  
ҲАМЖИҲАТЛИК - ТИНЧЛИК ГАРОВИ

Муҳаррир: *Матчанов С.*

Оригинал-макет: *Агзамходжаева Д.*

Нашрга тайёрланган материалларнинг сифати, келтирилган фактлар, атоқли отлар ва бошқа маълумотларнинг аниқлиги, шунингдек, очиқ нашр этиш ман қилинган маълумотларни оммавийлаштиргани учун муаллифлар жавобгардир.

ЖИДУ рухсатисиз қайта чоп этиш ман қилинади.

Формат 84x108 1/32; Ҳажми 2 б.т.  
Нусха сони 500. Келишилган нархда.

---

“ПАТЕНТ ПРЕСС” босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент ш., Тўй тепа кўчаси, 2а.

